Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Посев

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№№ 51—52 (2692—2693)
1994 ЙИЛ, 8 ИЮЛ.

Тошкент шаҳрида— сотувда баҳоси 30 тийин.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент шаҳар прокуратураси ўзининг 1994 йил биринчи ярим йиллик иш режасига кўра, Тошкент шаҳар ИИББ, пойтахт шаҳар таълим бош бошқармаси ва шаҳар ҳокимияти ҳамкорлигидаги мувофиқлаштирилган Кенгашини ўтказди.

Унда Таълим, ИИБ ва прокуратура идораларининг масъул ходимлари тарбияси оғир болалар ва ўқувчилар билан олиб бораётган ишлари муҳокама этилди. Шу масала юзасидан Тошкент шаҳар прокуратурасининг вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат қилиш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи, III даражали юрист Шуҳрат Икромов маъруза қилди.

Шундан сўнг Ш. Икромов маърузаси бўйича қизғин муҳокама бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Таълим вазири муовини, Тошкент шаҳар таълим бош Бошқармаси бошлиғи Х. Йўлдошев, А. Икромов туманидаги 123-ўрта мактаб директори Ж. Муҳитдинов, Яккасарой туманидаги 114-мактаб директори М. Тўйчиева, 33-сонли Тошкент авиация билим юрти директори Қ. Эргашев, республика Таълим вазирлигининг мактабдан ва синфдан ташқари ишлар бўйича бошқарма бошлиғи М. Шафиев, Тошкент шаҳар ИИББ жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги М. Деҳқоновлар сўзга чиқдилар. Улар кейинги пайтда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган қонунбузарликларнинг кўпайгани ва уларнинг олдини олиш учун олиб борилаётган амалий тадбирлар тўғрисида алоҳида тўхталиб, ота-оналарнинг жавобгарлигини ошириш, ёшлар қўмитасини тарбия ишларига жалб қилиш, шаҳар прокуратураси қошида методик гуруҳ ташкил этиш каби бир неча масалаларни ўртага ташладилар.

Кенгаш сўнггида Тошкент шаҳар ҳокими муовини, шаҳар вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси раиси Ш. Жалилов якунловчи нутқ сўзлади.

М. ТИЛЛАЕВ.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасида айтилганди

НОЗИК ҚЎЛЛИ "ДЕҲҚОНЛАР"

ЁКИ ОЛИБСОТАРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ЗАМОНАВИЙ "БИЗНЕСМЕН"ЛАР ХУСУСИДА

"ЭРТАЮ КЕЧ бола-бақраси билан тиним билмай даладан бери келмаган деҳқон жазирама иссиқ демасдан меҳнат қилиб маҳсулот етиштирсаю, меҳнати роҳатини ўзи кўролмаса?! Ўзларини бозорларнинг беклари ёки замонавий "тадбиркорман" деб ҳисоблаган айрим кимсалар, бечора деҳқонни бозорнинг ичига ҳам йўлатмасдан дарвоза бўсағасидаёқ унинг молини қоқ ярмидан ҳам паст нархда баҳолаб, кўтарасига сотиб олиб қўйса?!.. Бу ҳам етмагандай бундай номардлар картошкани қандай экишни билмасада, пештахта ортига ўтириб олиб, деҳқон маҳсулотини икки уч ҳисса қимматига пуллаб турса?!— Бу қандай гап ахир!".

Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент шаҳрида, шу жумладан шаҳар бозорларида савдони ташкил этишнинг аҳволи ва Давлат Солиқ қўмитасининг савдо-сотиқ фаолияти билан машғул юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан амалдаги қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш борасидаги ишлари тўғрисида"ги масалалар муҳокама қилинган навбатдаги йиғилишида бот-бот такрорланган ушбу гаплар нафақат бу ерга йиғилганларни, балки бутун халқни ҳаяжонга солди.

Республика Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида кўтарилган ички ишлар ходимларига тегишли масалаларни ўз вақтида ҳал этиш мақсадида тез фурсатдаёқ қўшимча махсус тадбирлар ишлаб чиқилди.

Дастлаб, бозордаги нархларнинг кескин кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик, ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи орасига тушиб қолган баъзи бир олиб-сотарларнинг фаолиятига ҳуқуқий баҳо бериш, уларнинг пайини қирқиш мақсадида Тошкент шаҳрининг бир неча бозорларида махсус рейд уюштирилди. Тадбирга ИИВ ЖҚББ, ЭКБ, Ҳуқуқий таъминлаш ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бошқармаси Матбуот маркази, Тошкент шаҳар ИИББ ЖҚБ 5-бўлими ҳамда бошқа хизматлар ходимлари жалб этилди.

Асосий эътибор ўз ери бўлмасада, маҳсулотни пештахтага ёйиб ўтирган, нозик қўлли "деҳқонлар" фаолиятига қаратилди.

Пойтахтнинг кўркам ва шинам бозорларидан бири Олой бозорида фақат тирикчилик илинжида эмас, балки бир кунда бир неча юз минглар топиш пайида ўтирган, ҳатто кунига бир миллионни нишонга олаётган учар олиб-сотарларга дуч келинди.

Ички ишлар ходимлари дастлаб уларнинг бунча пулни бир кунда топишларига ишонқирамадилар. Аммо Юнусобод тумани Сергей Бородин кўчасидаги хонадонлардан бирида яшовчи нафақадор Х. Қаюмхўжаевнинг эрталаб бир бечора деҳқондан ургуржи нархда 1 миллион 650 минг сўм-купонга сотиб олган 220 килограмм картошкаси кечга бориб 2 миллион 200 минг сўм-купон бўлиб қолиши мумкинлигини хомчўт қилгач, бу ноинсоф "деҳқон" фаолиятини тўхтатдилар. Шу орада Қибрай туманининг Маданият жамоа хўжалигидан келган 53 ёшли Мастура Эргашеванинг нақд миллионни кўзлаб келган мақсади ҳам фош бўлиб қолди. У Қибрайдан картошка эмас, балки пул қучоқлаб келибди. У агар бозорга "эккан" 2450 минг сўм-купонлик картошкасини ўзи режалаштирган нархда сотса, нақд бир миллион бўлар экан.

Рейдни ўтказиш маҳалида биз фақатгина олиб сотарлик ҳолларини аниқлаш, уларга қонуний жазо чораларини кўриш билангина чекланиб қолмадик. Олиб сотарларга маҳсулотни тенг ярим баҳода "пуллаб" кетаётган деҳқоннинг ҳам дардига қулоқ тутдик.

Уларнинг бири биз маҳсулотимизни бир кунда сотиб улгуролмаймиз, эртаси куни сотишга эса имконимиз бўлмай қолади. Қолаверса, маҳсулот сифати ҳам бузилиб қолиши мумкин. Шундай бўлгач, улгуржисига олиб сотарга сотишга мажбурмиз деса, бошқаси илгарилари бозорларда ширкат муассасалари бўларди. Биз маҳсулотимизни ўшаларга топшириб кетардик,— дейди.

— Ҳозир ҳам ҳар бир бозорда савдо-харид пунктлари фаолият кўрсатаяпти-ку, нега уларга топширмайсиз?— деган саволимизга:

—Э, булар ўша олиб-сотардан ҳам ноинсоф. Бозорда нархи 8 минг сўм бўлган маҳсулотни тенг ярмига ҳам эмас, икки минг сўмдан сўрайдилар,— дейди.

Дарҳақиқат, деҳқонлар фикри ўринли экан. Биз бунга Миробод деҳқон бозорига борганимизда амин бўлдик.

Ушбу бозорга қарашли савдо-харид дўкони сотувчилари Б. Турсунхўжаев ва К. Юсуповлар Тошкент вилояти Бекобод туманидан не бир азоблар билан бодринг олиб келган М.Шукуровдан 100 килограмм бодрингнинг ҳар килосини 4 минг сўмдан сотиб олиб, ҳужжатга кирим қилмасдан дўкон пештахтасига қўйиб, бемалол 8 минг сўмдан пуллаётганларида қўлга олиндилар. Устига устак улар ички ишлар ходимлари билан бўлган мулоқотда, икки гапнинг бирида "инсоф"ни тилга олиши кишини бағоят ажаблантирди. Қолаверса, харид ва сотувчига қулайлик яратиш мақсадида ташкил этилган ушбу корхона ходимларининг ноўрин иши кишини ташвишга солди. Шу боис, ушбу далил юзасидан маъмурий қайднома тўлдирилиб, иш судга оширилди.

Шу куни Қўйлиқ бозорида ўтказилган махсус рейдда ҳам 15 дан ортиқ мана шундай ҳолатлар аниқланди. Улар юзасидан ҳам тегишли жазо чораларини қўллаш, қонуний баҳо бериш мақсадида ҳар бир иш суд ва прокуратура идораларига жўнатилди.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
Республика ИИВ Матбуот маркази инспектори, милиция лейтенанти.

ИККИ ЖУМА ОРАЛИҒИДА

"ШИНАВАНДА"

КЕЙИНГИ ПАЙТДА жанговар қурол-яроққа ишқи тушиб, уни турли йўллар билан сотиб олаётган, сақлаётганлар оз бўлса-да, орамизда учраб турибди.

Яқинда ана шундай "шинаванда"лардан бирини Гулистон шаҳар ИИБ ходимлари РГД-5 русумли жанговар граната билан қўлга олишди. У Гулистон консерва заводининг ишчиси, 1956 йилда туғилган В. К. бўлиб чиқди.

Ажал рамзи бўлган бу қуролни В. К. қачон, қаердан ва нима мақсадда олгани ҳозирча номаълум. Тергов кетяпти.

ХОНАДОНЛАРДАГИ МИЛТИҚЛАР

ДЕНОВ ТУМАНИ ИИБ ходимлари навбатдаги тезкор тадбир ўтказдилар. Унда Тожикистон жамоа хўжалигининг Чорхона бўлимида яшовчи, нафақадор, 1931 йилда туғилган Х. И.нинг хонадонидан ИИБда рўйхатда бўлмаган, рақами ўчирилган "ТОЗ-8" русумли милтиқ топиб олдилар.

Худди шунингдек, нафақадор, 1928 йилда туғилган Т. С. нинг уйи ҳам кўздан кечирилганда ИИБда рўйхатдан ўтказилмаган, рақами ўчирилган "ТОЗ-8" русумли ўқотар қурол чиқди.

Ҳар икки қуролнинг ҳам очилмаган жиноятларга алоқаси йўқмикин? ИИБ ходимлари бугунги кунда худди мана шу саволни кўндаланг қўйиб, қурол эгаларини тергов қиляптилар.

ТАЛОНЧИЛАР УШЛАНДИ

АНДИЖОН вилоятининг Избоскан туманидаги Пойтуғ жамоа хўжалигида истиқомат қиладиган Х. Б. га номаълум шахслар ҳужум қилиб, ёнидаги 100 минг сўм-купон пулини тортиб олишди.

Жабрланувчи бу тўғрида ИИБга ўз вақтида хабар бергани туфайли қароқчилар тез фурсатда қўлга олиндилар. Улар ҳеч қаерда ишламайдиган, 1978 йилда туғилган У. Ҳ. ҳамда Р. Ж. бўлиб чиқдилар.

СЕРГАКЛИК ПАНД БЕРМАДИ

ЯРИМ ТУНДА осойишталик посбонлари Самарқанд шаҳридаги Миршаропов кўчасидан ўтиб бораётган О. Т. бошқарувидаги "ВАЗ-2106" русумли, Д 31-64 СН рақамли автомашинани тўхтатиб, кўздан кечирганларида машина юкхонасидан 8 килограмм гиёҳванд модда — кўкнори топилди.

ҚИНҒИРЛИК ФОШ БЎЛДИ

САМАРҚАНД вилоятининг Булунғур туманидаги Мингчинор постида сергак турган милиция ходимлари 2507-автокорхонага қарашли "ЗИЛ-130" русумли, 30-31 СНЛ рақамли автомашинада 4970 килограмм унни қалбаки ҳужжатлар билан қўшни Тожикистон республикаси ҳудудига олиб ўтиб кетмоқчи бўлганларида қўлга олдилар.

БУҒДОЙ ЎҒРИСИ

СИРДАРЁ вилоятининг Сайхунобод туманидаги Гулистон давлат хўжалиги тракторчиси, 1956 йилда туғилган Н. М. ўзига бириктирилган "Т-28" тракторида хўжалик даласидан уч тонна буғдойни ўмариб, уйига олиб кетаётганда ИИБнинг "Қўриқлаш" бўлинмаси ходимлари томонидан ушланди.

НАФС БАНДАСИ

АНДИЖОН темирйўл бекатида 133-рақамли "Андижон-Москва" поезди текширилганда 2-вагон кузатувчиси 1945 йилда туғилган Б. Ҳ. 5 миллион 600 минг сўмлик 1100 килограмм мева ва сабзавотларни ноқонуний равишда Москва шаҳрига олиб кетаётганлиги аниқланди. Нафс бандаси чап чўнтагини қаппайтириш учун виждонига ўт тушганини билмай қолганга ўхшайди.

Т. МУРОДОВ.

Анжуман бўлиб ўтди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ КАСАБА УЮШМАСИНИНГ 5-ҲИСОБОТ-САЙЛОВ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ

Унда республика ИИВ Касаба уюшмалари бирлашган қўмитаси раиси Х. Ж. Жалилова анжумандан анжумангача бўлган давр мобайнида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. Шунингдек, тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳам тингланди. Бирлашган қўмита иши қониқарли баҳоланди.

Шундан сўнг қўмитанинг, тафтиш комиссиясининг янги таркиби ва давлат муассасалари ходимларининг Тошкент шаҳар Касаба уюшмаси анжуманига делегатлар сайланди.

Анжуман ишида республика ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи ўринбосарлари, ички хизмат полковниги Б. Б. Носиров, милиция майори Ў. П. Жўраев ҳамда давлат муассасалари ходимлари Тошкент шаҳар Касаба уюшмасининг раиси Ш. Қ. Изамовлар қатнашдилар.

Ўз мухбиримиз.

Суратларда: анжуман ишидан лавҳалар.

Ҳ. ШОДИЕВ, олган суратлар.

"Жиноятчига шафқат қилмаймиз"

дейди Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, ички хизмат полковниги Жақабай Палимович Шилманов

— Жақабай Палимович, халқи тинч, осойишта юртгина ҳар томонлама ривожланади, қудратли давлатга айланади. Демак, давлатнинг буюк бўлишида Сиз раҳбарлик қилаётган ички ишлар ходимларининг ҳиссаси бениҳоя каттадир. Айтинг-чи, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасида қандай ишларни амалга оширмоқдасизлар?

— Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда унинг шаҳар ва туман бўлимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар асосида ишларни янада кучайтирди.

Йил бошидан буён республикамизда ҳамда унинг туман ва шаҳар бўлимларида ҳуқуқбузарликларга қарши "Тун", "Комплекс", "Арсенал", "Назорат" ва "Тўр" каби бир неча тадбирларни узлуксиз равишда ўтказиб келмоқдамиз. Бу тадбирлар натижалари чакки бўлмаяпти. Жамоат жойларидаги тартиббузарликлар 30 фоизга, кечқурунги жиноятлар эса 57,6 фоизга камайди.

Шу йилнинг беш ойи давомида жойларда аҳоли билан учрашувлар ўтказиб турдик. Қишлоқ оқсоқоллари билан биргаликда жиноят содир қилиши мумкин бўлган шахслар билан суҳбатлашдик. Уларнинг яшаш ва ишлаш шароитлари билан танишдик. Халқ орасида ўтказаётган бу учрашувларимиз, суҳбатларимиз ўз самарасини берди. Илгари судланганлар томонидан қилинган жиноятларни 26,9 фоизга, вояга етмаган ёшлар томонидан қилинган жиноятларни 25,2 фоизга, маст ҳолда содир этилган жаноятларни 9,3 фоизга камайтиришга эришдик.

— Ўтган йилнинг беш ойи давомида қанча жиноят содир бўлди. Бу шу йилнинг беш ойига нисбатан олганда озми ёки кўп?

— Шуни қувонч билан айтиш керакки, жиноятчиликнинг пайини қирқишда бир қанча ишларни амалга оширдик. Натижани ушбу рақамлар орқали ҳам пайқаб олишингиз мумкин.

Ўтган йилнинг беш ойи давомида 1904 жиноят содир қилинди. Бу йил эса 958 та қайд этилди. Ўтган йилга нисбатан содир қилинган жиноятлар сони 946 тага, яъни 49,6 фоизга камайди. Оғир жиноятлар сони эса 30,2 фоизга озайди.

— Бу йилги содир қилинган жиноятларнинг қанчаси очилди?

— Ходимларимизнинг кеча-ю, кундуз тиним билмай қилган ҳаракатлари туфайли 720 дан кўп жиноят очилди.

— Асосан қайси жиноят тури кўпроқ учрамоқда?

— Умумий жиноятлар сони камайгани билан ўғирлик ортди. Пора олиш эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7 тадан 10 тага кўпайди.

— Бу йил қайси шаҳар ва туман ички ишлар бўлимлари яхши кўрсаткичларга эришдилар?

— Бу йил жиноятчиликнинг олдини олишда Амударё, Тўрткўл, Хўжайли, Шуманай ва Базатў туман ИИБлари ходимлари сидқидилдан меҳнат қилдилар. Бу туманларда жиноятчилик кескин камайиб кетди.

— Барча жойларда уюшган жиноятчиликка қарши кураш кенг кўламда олиб борилди. Бу борада Қорақалпоғистон Республикасидаги аҳвол қандай?

— Ўтган йили республикамиз ҳудудида қўним топган 12 та уюшган жиноятчилар тўдаси қўлга олинди. Бу йилнинг 5 ойи давомида эса 14 та уюшган жиноятчилар тўдаси ушланди ва улар таркибида 76 киши фаолият кўрсатганлиги аниқланди. Бу нопок кимсалар 47 та жиноят содир қилганлар. Уюшган жиноятчилар орасида ёшларнинг учраётгани ачинарли ҳолдир. Мисол тариқасида шуни айтиш керакки, Кегейли туман тижорат дўконларидан 9 миллион сўмлик турли моллар ўғирлаб кетилган. Тезкор-қидирув ишлар натижасида бу жиноятни 15-ҳунартехника билим юрти ўқувчилари содир этганлиги аниқланди.

Нукус шаҳрида яшовчи Е.А. эса 8 та машинани ўғирлаб, Туркманистон Республикасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг олис туманларида яшовчи кишиларга пуллаб юборган. Бу жиноий иш ҳам очилиб, машиналар эгаларига қайтарилди.

— Ички ишлар бўлимлари ходимлари орасида ўз вазифасини суиистеъмол қилаётганлар учраяптими?

— Фуқаролардан келаётган хат ва аризаларни доимий равишда текшириб бормоқдамиз. Шуни ачиниш билан айтишим керакки, баъзан катта жамоамиз орасида милиция деган номга доғ тушираётган ҳам учрамоқда. Икки нафар участка вакили таъмагирлик қилиб, содир этилган жиноятни ошкор этмай қолдиргани аниқланди. Тўрт нафар ходимимиз ўз хизмат вазифасини кўпол равишда бузганликлари туфайли ички ишлар бўлимларидан бўшатилдилар.

— Жақабай Палимович, ички ишлар бўлимларини мард, қўрқмас ва чаққон ёшлар билан тўлдиришда қандай ишлар олиб борилмоқда?

— Ҳозирги кунда 35 нафар ходимимиз Тошкент милиция мактабида таълим олмоқда. Бундан ташқари Тошкент ва Нукус Давлат университетларининг ҳуқуқшунослик куллиётларида ҳам кўплаб ёшларимиз сабоқ олишяпти. Бу кўрсаткич ҳали талабимизни қондиролмайди. Айниқса, ички ишлар бўлимларида ҳуқуқшунос ходимларимиз жуда кам. Биз кейинги пайтларда Сиз айтгандек мард, қўрқмас, довюрак йигитларни танлаб, ишга, ўқишга юбораяпмиз. Мақсадимиз, шербилак ёшларимизнинг кучи билан жиноятчиликнинг пайини батамом қирқиш ва халқ осойишталигини сақлашдир. Биз ҳеч қачон жиноятчиларга шафқат қилмаймиз.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

02 хабар қилади

МАСТЛИК ОҚИБАТИ

НУКУС ШАҲРИНИНГ Микоян кўчасида яшовчи О.Нурсултонов арақдан роса тўйиб ичиб, "Восход-2М" русумли мотоциклига ўтирди. Мастлик оқибатида тезликни оширган ҳайдовчи мотоциклни бошқаролмай қолди. Натижада эндигина 20 ёшга кирган ёшгина йигит ҳаётдан кўз юмди.

МИЛЛИОНЕР БЎЛИШМОҚЧИ ЭДИ...

Ю.Ж., М.А. ва Г.Н.лар бир пиёла чой устида миллионер бўлишни орзу қилиб қолишди. Шу йилнинг 17 апрель куни тунда бу хаёлпараст йигитлар "Айбуйи" жамоа хўжалигида яшовчи Г.Найлиевнинг бир бош, К.Алламбергеновнинг эса икки бош ҳўкизини ўмариб кетишди. Лекин йигитларнинг орзуси амалга ошмади. Чунки ИИБ ходимлари уларга ҳалақит беришганди.

ҚУРОЛЛИ ЖИНОЯТЧИ УШЛАНДИ

ШУ ЙИЛНИНГ 23 май куни "Сеть" тадбири қатнашчилари милиция катта лейтенантлари К.Муратов, М.Саитмўратов, Ж.Нуржонов ва милиция старшинаси К.Қалимбетовлар шубҳали кўринган шахсни қўлга олдилар. Бу жиноятчи қуролланган бўлиб, илгари одам ўлдирганликда айбланган ва қидирувда бўлган.

Айни кунда бу жиноятчи устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

МАШИНА ОЛИБ ҚОЧИЛДИ

ЯРИМ ТУНДА номаълум шахс ЗИЛ 431410 русумли, давлат белгиси 25-68 КПН бўлган юк машинасини ўғирлаб кетади. Хўжайли туман ИИБ тезкор гуруҳи ходимларининг зийрак ва ҳушёрлиги туфайли жиноятчи тезда ушланди.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Хўжайли тумани Қорақалпоғистон Республикасидаги энг йирик туманлардан биридир. Туман ИИБ ходимлари жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида катта ишларни амалга оширмоқдалар. Айниқса, содир қилинган жиноятларни ўз вақтида очишда туман ИИБ тезкор гуруҳ вакиллари алоҳида ўрнак кўрсатаётирлар.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу хабарларда ҳам туман ИИБ ходимларининг ҳушёрлиги, дадил ҳаракати яққол сезилиб турибди.

ЯНА ХУМОРИ ТУТДИ, АММО...

Илгари судланган Г.Наилнинг яна хумори тутиб қолди. У 10 грамм кандир, 20 грамм кўкнор ва 3 грамм тарякни истеъмол қилиш учун олиб кетаётганда туман ИИБ ходимлари томонидан ушланди. Хуморванд Г.Наилнинг аҳволи не кечади, буни туман суди белгилайди.

ДЎСТИНИ ЎЛДИРИБ ҚЎЙДИ

Тўйда ўтиришган Д.Шуҳрат ва О.Баҳодирлар ўзаро жанжаллашиб қолишди. Оқибатда Шуҳрат дўсти Баҳодирнинг бошига "Шампан" бутилкаси билан тушириб қолди. Натижада эндигина 19 ёшга қадам қўйган Баҳодир ҳаётдан кўз юмди.

ОТДИ-Ю, ҚОЧИБ ҚОЛДИ

Хўжайли туман, Урицкий кўчаси, 16-хонадон олдида номаълум шахс 36-ҳунар техника билим юрти толиби А.Бахтигалини "ПМ" тўппончаси билан отиб қўйди. Тезкор қидирув ишлар натижасида қочиб қолган хавфли жиноятчи ушланди. У илгари судланган Е.Серик бўлиб чиқди. Жиноятчидан 1967 йил ишлаб чиқарилган "ПМ" белгили тўппонча ҳамда унинг 8 дона ўқи тортиб олинди.

Саҳифада: ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

САВОБ ИШ

БУНДАН роппа-роса икки ярим йил муқаддам Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар ходимлари ташаббуси билан "Меҳр-шафқат" жамғармаси ташкил қилинганди. Жамғармага ички ишлар ходимлари ўз ҳисобларидан доимий маблағ ажратиб туришди. Тўпланган пуллар байрам тантаналарида боқувчисини йўқотган оилаларга, ногиронларга ҳамда кам даромадли оилаларга ёрдам сифатида бериб борилди. Бу хайрли бошлама кўпчиликка маъқул бўлди. Шу боис, 1993 йилнинг июль ойида "Меҳр-шафқат фондининг алоҳида ҳисоб рақами очилди.

Шу йил Ғалаба байрамига бағишланган тантанали кечага хизмат вазифасини бажараётганда ҳалок бўлганларнинг оилалари, ногиронлар ва кам даромадли оилалар таклиф қилиндилар. Уларга байрам муносабати билан 7000 сўмдан ёрдам пули берилди.

— Ўн нафар кишидан иборат махсус комиссия жамғармамиз фаолиятини доимий бошқариб бормоқда, — дейди жамғарма котиби, милиция майори Муратбой Худаёров. — Биз 1993 йил июль ойидан буён боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож оилаларга 7 миллион сўм миқдорида ёрдам пули тақсимлаб чиқдик. Савоб ишимизнинг илгари силжиётган томони шундаки, жамғармамизга нафақат ички ишлар ходимлари, балки бошқа соҳа кишилари ҳам моддий ёрдам сифатида пул ўтказишяпти. Нукус шаҳрида яшовчи Асқар ака Қайжонов ана шундай олийҳиммат кишилардан биридир. У яқинда жамғармамизга 2 минг 300 сўм миқдорида пул ўтказди. Саҳийқалб кишиларимиз учун жамғармамизнинг ҳисоб рақамини эслатиб ўтамиз:

1700731. код: 173521121. Қурилиш саноат банкининг Орол бўлими, Нукус шаҳри.

Суратда: Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ қошидаги "Меҳр-шафқат" жамғармаси котиби, милиция майори Муратбай Худаёров, маданий ишлар бўйича катта инспектор, милиция майори Ольга Шпоть Г.Бекжоновага моддий ёрдам беришмоқда.

С. БОБО олган сурат.

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

ЎЗ ҚАРМОҒИГА ЎЗИ ИЛИНДИ

ДЕКАБРЬ ОЙИНИНГ изғирин совуқ куни эди. Улуғбек тушга яқин Тўрткўл шаҳридаги 6-ўрта мактаб олдига келди ва атрофни бир зумда кўздан кечириб чиқди. Хайрият, ҳеч ким кўринмади. У ўйланиб ўтирмасдан мактаб деворига суяб қўйилган "Пенза" русумли велосипедни миниб йўлида равона бўлди. Сал юргач, орқасига қаради. Шубҳали ҳеч ким кўринмаганлигидан кўнгли анча хотиржам бўлди. У велосипедни бир зумда уйига олиб келди. Ҳар эҳтимолга қарши "ўлжа"ни бир кун уйида сақлади. Эртасига эса унинг харидорини топди. Илҳом анчагина ҳайдалган, лекин ҳалиям янгидек велосипед атрофини айланиб чиқди-да, сўради:

— Қани, қанча берай?

Улуғбек янги велосипед нархи бозорда анча қиммат туришини яхши билса-да, харидорни қочиргиси келмади.

— Бир элатнинг кишиси бўлганим учун арзон бераман. 30 минг бериб олиб кетаверинг.

Велосипеднинг нархи Илҳомга сув текин туюлди. У товарнинг бошқа харидори чиқиб қолмасдан нақд ўттиз минг сўмни Улуғбекка тутқазди. Сотувчи велосипедни кўнгилдаги баҳода сотганидан, харидор эса уни арзон харид қилганлигидан хурсанд бўлиб хайрлашишди.

Улуғбек харидоргир товар топиш йўлини ўйлаб топганидан севиниб кетди. Орадан икки кун ўтгач, яна "ов"га отланди. Бу гал унинг қармоғига Комилжон М. га тегишли бўлган "Урал" русумли велосипед илинди. Бу товар ҳам осонгина қўлга киритилиб, бир зумда пуллаб юборилди. Иши ўнгидан келаётган Улуғбек "ов" қилган жойларини бир айланиб чиқди. Ҳаммаёқ тинч. Велосипедини йўқотиб, "дод-вой"лаб юрган кишиларни ҳам учратмади. Бундай вазият Улуғбекнинг "иштахаси"ни янада очиб юборди. У шу тариқа алоқа бўлими, дўконлар, мактаб, болалар боғчаси ҳамда турар-жойлар олдида қаровсиз турган велосипедларни ҳам бирин-кетин ўмариб ўзгаларга пуллади-қўйди.

— Илгари судланган бу йигит жиноий режаси устида пухта ўйлаб иш юритган, — дейди Тўрткўл тумани ИИБ катта терговчиси, милиция майори Иброҳим Ёқубов. — Натижада 11 нафар кишининг велосипедини ўғирлаб, уларга 2 миллион 750 минг сўмлик зарар етказган. Улуғбек бу қилмиши билан Ўзбекистон ЖҚнинг 125-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топилди.

Эндигина 19 ёшга қадам қўйган Улуғбек тўрт ой давомида ана шундай антиқа ов билан шуғулланган. Аммо кунларнинг бирида ўз қармоғига ўзи илинганини билмай қолди.

Саҳифани «Постда»нинг Қорақалпоғистондаги мухбири Х. ЖАББОРОВ тайёрлаган.

ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРИБ

УЧАСТКА ВАКИЛЛАРИ ВА МАҲАЛЛА ҚЎМИТАЛАРИНИНГ РАИСЛАРИ АНА ШУНДАЙ ИШЛАМОҚДАЛАР

Тошкентнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Ҳумоюн мавзесида ҳам бошқа мавзелардагидек унчалик фарқ қилмайдиган кўп қаватли уйлар жойлашган.

Бу ерга хос бўлган муаммолар кўп мавзеларда учрайди: ободончилик ишларида нуқсонлар кўп, дам олиш жойлари етишмайди.

Лекин бу мавзеда яхши ташаббус ҳам мавжуд: маҳалла қўмитаси билан милиция участка вакили ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш, ободончилик, санитария ҳолатини яхшилаш масалаларида ҳамкорлик қилишмоқда. Шу йил бошларидан бери участкада атиги икки марта хонадон ўғирлиги рўйхатга олинди, уларнинг иккаласи ҳам очилди. Участка вакили К. Исмоилов томонидан гиёҳвандлик моддалари билан бирга бир неча киши ушланди. 7 минг киши истиқомат қиладиган ҳудудда юз берган воқеаларнинг ҳаммаси шу.

Ҳумоюн мавзесидаги маҳалла қўмитасига 1988 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Т. Иброҳимов раис қилиб сайланган. У билимдон, одамшаванда, ғайратли киши. Ҳаётий тажриба ҳам оз эмас: олти болани тарбиялаш, вояга етказиш осон иш эмас. Қисқаси, раисликка жуда муносиб одам.

Участка вакили, милиция лейтенанти К. Исмоилов ундан анча ёш.

Участкада тинчлик ва осойишталик бўлишига эришишга интилиш уларни бирлаштирди.

Турсун Иброҳимов участка вакили билан бирга нохуш оилаларга боради, санитария меъёрларини бузувчилар, ўсмирлар билан суҳбатлашади.

...Бахтбердининг тақдири мураккаб кечди. У икки марта судланди, "зона"да кўп йиллар ўтирди. Кейинги вақтда хотини ҳам йўлдан озди, ароқхўр бўлиб қолди. Аёл билан кўп марта суҳбатлашишди, ёрдам беришни таклиф қилишди, лекин бунинг фойдаси бўлмади. Аёл болаларини эндигина озодликка чиққан эрига ташлаб, Тошкентдан кўчиб кетди.

Улар Бахтбердининг қариндошлари билан учрашдилар, уни эътибордан четда қолдирмасликни, қўлдан келганича ёрдам бериб туришларини илтимос қилишди. Уни ишга жойлаштириб қўйишди. Бахтбердининг қариндошлари эса уни янгидан уйлантиришди. Ҳозир унинг оиласида осойишталик ҳукм сурмоқда, болалар ҳам мамнун.

Қўшни Аҳмад Югнакий мавзесида ҳам участка вакили ва маҳалла қўмитасининг раиси бир-бирлари билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Милиция майори Ш. Муҳамедов ва Б. Алиевнинг қўлни қўлга бериб ишлаши натижасида бу ерда ҳам жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўйилмаяпти.

Мирзо Улуғбек тумани ИИБнинг юқорида тилга олинган мавзеларга хизмат кўрсатаётган 1-шаҳар милиция бўлими раҳбарияти катта иш қилмоқда. Унинг раҳбарияти бу ерда содир этилаётган жиноятларни таҳлил қилиб, уларнинг катта қисмини хонадон ўғирликлари ташкил этади деган хулосага келди.

Бундай жиноятларнинг олдини олишда кабелли телевидение имкониятларидан фойдаланишга қарор қилинди. Милиция ходимлари унда сўзга чиқиб, жиноятчилар хонадонга қандай кириб олишлари мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирдилар. Шахталарни панжаралар билан мустаҳкамлаш, металл эшиклар ўрнатиш кераклиги айтилди.

Телевидение орқали бир неча марта чиқилиши ўз таъсирини кўрсатди. Мавзеларда яшовчи кўпгина кишилар кўрсатилган устахоналарга мурожаат қилишди ва 1994 йилдан бошлаб ўғирликлар миқдори кескин камая бошлади.

Г. ТЕ,
А. БРАЙЛОВСКИЙ,
милиция майорлари.

"ЧОРСУ"ДАГИ ВОҚЕА

БАҲОР. Фаслларнинг маликаси. Эрта тонг. Чаманзорлардаги булбуллар хонишидан яна бир субҳидамнинг бошланганидан дарак топамиз. Одамлар тинч уйқудан уйғониб, яна серташвиш меҳнат қучоғига шошилишади.

Бу аслида кишилар учун одатий ҳол. Меҳнат ва дам ҳамнафас. Лекин туни билан хизматда бўлиб, осойишталигимизни таъминловчи ички ишлар ходимларининг оғир ва масъулиятли вазифасини ҳаммамиз ҳам ҳис этавермаймиз. Бугунги осойишта ва муҳаффо баҳор тонгининг кўнгилдагидек ўтишида уларнинг улушлари катта. Ҳар кунги аҳвол шу.

Улар ҳар кунгидек бугун ҳам яна жамоат тартибини сақлаш, порахўрлик, гиёҳвандлик, ўғирлик каби иллатларга қарши курашиш мақсадида хизматга чиқишди.

Тезкор ҳаракат қилиш бўлинмасида хизмат қилиш ходимлардан ўта масъулиятни талаб этади. Ҳар бир ишда эпчиллик, чаққонлик ҳамда зийраклик билан ҳаракат қилмоқ керак. Фақат ана шу хислатлар билан жиноятчининг макридан устун келиш мумкин. Акс ҳолда у сени...

Милиция сержантлари М. Исроилов ва Б. Нурматовлар ички ишлар идораларида хизмат қилаётганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ. Бироқ тажрибали сардорлардан анча-мунча тажрибаларни ўрганиб улгуришган. Хизмат даврида биронбир нуқсонга йўл қўйишмаган. Ҳар доим сардорларнинг буйруқларини ўз вақтида бекаму кўст бажаришга ҳаракат қилишади. Ана шу фазилатлари билан жамоада ўз обрўларига эга.

Шу йилнинг 14 май куни улар махсус ўтказиладиган "Ҳашар" тадбири пайтида катта бир жиноятни очишди. Воқеа мана бундай бўлганди. "Чорсу" бозори ҳар доим одам билан гавжум. Биров мол харид қилгани, биров сотгани келади. Бироқ кимлардир бу ерга ўзга мақсадларда ҳам ташриф қилишар экан.

Спорт либосидаги, ёши 28-29ларга бориб қолган, қорачадан келган йигит хизматдаги сержантларнинг диққат-эътиборини тортди. Сержантлар унга яқинлашганида йигит қўлидаги сумкасига маҳкам ёпишиб қолди ва ўзининг шубҳали ҳаракатлари билан сумкада нимадир яширилганини билдириб қўйди. М. Исроилов буни сезиб, йигитга янада яқинроқ борганида у сумкани ташлаб қочиб қолди. Сержант сумкани очиб кўрди. У гиёҳвандлик моддаларига тўла эди.

Сумкани шериги Б. Нурматовга қолдирдию жиноятчининг кетидан қувлаб кетди. Жиноятчи эса ўзини тумонот одам орасига урди. Йўл-йўлакай учраган нарсани йиқитиб, ҳатто қария, болаларни ҳам қулатиб қочишда давом этарди. Одамлар орасида саросималик бошланди. Қий-чув. Биров ана у ёққа қочди, биров мана бу ёққа деб бақиради. Сумкани қўриқлаб қолган Б. Нурматов рация орқали барча постларга хабар бериб улгурганди. Воқеадан хабар топган участка вакили, милиция катта лейтенанти С. Раҳимов ҳам жиноятчининг кетига тушди. У ўзига биркитилган ҳудуднинг ҳар бир қадамигача яхши билади. Хойнаҳой жиноятчи пойтахтнинг аҳоли зич жойлашган Эски шаҳар қисмига қочгандир деган тахмини панд бермади. Жиноятчи ҳақиқатан ҳам Сағбон кўчаси томон қочиб бораётганди. Раҳимов унинг олдидан кесиб чиқди. Безовталанган одамларни тинчитди.

— Ҳа, афсус ва надоматлар бўлсинки, орамизда шундай одамлар ҳам бор,— дейди участка вакили.— Агар сержантлар ҳушёр, зийрак бўлишмаганида жиноятчи ўз қабиҳ ниятини амалга оширган бўларди.

Сирли сумкага руҳиятга кучли таъсир этувчи 2 килограмм 600 грамм гиёҳвандлик моддаси жойланганди. Уни Фарғона вилоятилик, 1965 йилда туғилган Д. И. сотгани олиб кетаётганди.

Гиёҳвандлик — иллат. Унга қарши кураш жаҳон миқёсида кенг кўламда олиб борилмоқда. Одамларнинг мияси, онгини заҳарлайдиган бу оғунинг қандай жиноятларга бошлаши ҳеч кимга сир эмас. Аммо орамизда шундайлар ҳам борки, била туриб жиноятчилик уруғларини сепишади. Ички ишлар идоралари ходимлари милиция катта лейтенанти С. Раҳимов, сержантлар М. Исроилов, Б. Нурматовлар одамлар ҳаётига қанчадан-қанча зиён етказувчи гиёҳвандлик моддасини ушлаб қолишди. Ҳалол меҳнат қилишдан ор қиладиган йигитнинг нима мақсадда жиноят йўлига кириб кетганлиги терговда аниқланади.

М. АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ матбуот гуруҳи ходими, милиция катта лейтенанти.

Саҳифада:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЎЗ ИШИНИНГ ЖОНКУЯРИ

КАТТА УЧАСТКА вакили, милиция майори Оловхон Сиддиқалиевни Тошкент шаҳар Шайҳонтоҳур тумани ИИБ ходимларигина билиб қолмасдан, у хизмат қилаётган "Хизматчи", "Олмазор", "Қоратош", "Ўқчи" маҳаллаларининг меҳнат аҳли ҳам ҳурмат қилади.

Оловхоннинг участка пункти республикамиз пойтахтининг Навоий кўчасидаги савдо расталарида жойлашган.

Республикада хизмат кўрсатган участка вакили унвонининг соҳиби Оловхон 1983 йилдан бери шу туман ИИБда хизмат қилиб келмоқда.

Осойишталик посбонларига бўлган эътиқод уни Тошкент милиция ўрта мактабига ўқишга етаклади. 1971 йилда уни муваффақиятли тугатиб, аввалги Октябрь райони ИИБга ишга йўлланма билан келди (Ҳозирги Шайҳонтоҳур тумани).

Ишлаш билан бир қаторда 1979 йили Тошкент Давлат Университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирди. 1985 йили уни сиртдан ўқиб тугатди.

Анча-мунча қийналди. Лекин, интилганга толе ёр деганларидек унинг ишлари ўқишни тугатганидан сўнг ривожланиб кетди.

Оилада ҳам ўз ҳурматига эга. Турмуш ўртоғи Роҳатой боғча тарбиячиси. 4 фарзанднинг отаси. Катта ўғил Жалолхон фармацевтика олийгоҳининг III курс толиби, қизлари Ферузахон Ўрта Осиё медицина педиатрия олийгоҳининг I курсини тугатди. Қолган фарзандлари эса ўрта мактабда таълим олмоқдалар.

Ўтган даврлар давомида Оловхон ҳаётида қанчадан-қанча машаққатли кунлар бўлди. Жиноятчилар, безорилар билан юзма-юз тўқнашди, уларга қўлидан келганча меҳрибонлик қилди. Тўғри йўлга тушишига ёрдам берди. Куч-қувватга тўла Оловхон бугунги кунда шижоат ва садоқат билан меҳнат қилмоқда.

Ҳабибулла ШОДИЕВ.
Суратда: катта участка вакили Оловхон Сиддиқалиев.
Муаллиф олган сурат.

ХАЛҚИМИЗГА шундай ўлка насиб этганки, ҳар қанча мақтансак, ҳар қанча фахрлансак кам. Шундай ширин-шакар мевалар, сабзавотлар, қовун, тарвузлар қаерда бор ахир! Пахта якка ҳокимлигига қарамай деҳқону боғбонлар бу бойликни асраб келдилар. Ҳатто ўша даврларда ҳам мўл-кўл мева, сабзавот етиштирилар эди. Бир гал сафарда молга бериш учун машина-машина лалми тарвуз олиб келганларини кўргандим.

ЎЙЛАЙМИЗКИ, ВАҚТИНЧА ЭМАС

Хўш, шундай экан, нимага кейинги пайтда уларнинг нархи осмонга чиқиб кетди? Ҳамманинг оғзидан шу савол тушмайдиган бўлиб қолди. Чиндан ҳам нима учун? Деҳқонларимиз тер тўкиб мўл ҳосил етиштираётган бўлса? Бунинг устига, уларга ҳозир катта-катта ер берилган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан бошқалари-чи? Тошкент минерал суви илгаригидай шарқираб чиқиб турибди, пиво заводлари, тамаки фабрикаси, совун цехлари ишлаяпти. Чорва маҳсулотлари етиштириш учун ҳам қулай шароитлар яратиб қўйилди. Ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатдорлиги оширилмоқда.

Унда гап нимада? Балки Президентимиз қўйган қаттиқ талаблардан кейин бунга жавоб топилар. Чунки барча мутасадди ташкилотлар ишга тушиб кетди.

Аммо милиция тинимсиз ишлаб келаётганди.

Масалан, Тошкент милицияси бозорларга сира эътиборни сусайтирган эмас. Бозорларни ҳар доим милиция участка вакиллари, ДАН, қўриқлаш, балоғатга етмаганлар билан ишлаш, коррупцияга қарши кураш бўлимлари ходимлари назорат қилиб турарди. Чунки энг кўп одам тўпланадиган, пул муаммоси бор жой — бозор. Бозорга турли ерлардан турли тоифадаги одамлар келади. Бозорларни энг кўп жиноят содир бўладиган жой деб ҳисоблаш мумкин. Жумладан, шу йилнинг ўтган даврида Тошкент шаҳри бозорларида 297 та жиноят аниқланди ва ҳозиргача уларнинг 250 таси очилди.

Ҳар бир бозорга раҳбарлар биркитиб қўйилган ҳамда улар мунтазам ҳисобот бериб турадилар. Ҳар бир бозор учун алоҳида "иш" очилиб, уннинг аҳволи тўғрисида ҳужжатлар жамланган. Мазкур ҳужжатларга асосан бозордаги шароитни яхшилашга ҳаракат қилинади.

Президентимиз И. Каримовнинг шу йил 25 июндаги нутқидан кейин эса шаҳар ИИББда ишлар қайта кўриб чиқилди. Бозорларда ўтказилаётган тадбирлар кучайтирилди ва бутун эътибор айтиб ўтилган камчиликларни бартараф этишга қаратилди. Натижада фақат дастлабки беш кун ичида 84 та тиланчи ва дайди, 85 та майда безори, 216 та ичиб юрган шахсларга нисбатан чора кўрилди. Ноқонуний савдо билан шуғулланаётган ёш болалардан 16 тасига далолатнома тузилди, 21 тасининг ота-онасига нисбатан чора кўрилди, 37 таси ҳокимиятлар қошидаги балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссиясига юборилди. Санитария ҳолатини бузганлиги учун 200 та далолатнома ёзилди, махсус белгиланган жойда савдо қилмагани учун 230 киши ва савдо қондасини бузганлиги туфайли 30 раҳбар жазоланди. Бозорларда савдо қондасига риоя қилинмагани сабабли 7 миллион сўм-купон жарима солинди.

Эндиги тадбирлар эса ҳокимиятлар ва солиқ инспекцияси ходимлари иштирокида ўтказила бошланди. Шаҳар таълим Бош бошқармаси билан ёш болаларнинг ўқишни ташлаб савдога кириб кетаётгани масаласи бўйича режалар ишлаб чиқилди. Барча туманлар халқ таълими бўлими раҳбарларини йиғиб мажлис ўтказилди ва аҳвол атрофлича муҳокама қилинди. Савдогар болаларнинг ота-оналари билан суҳбатлашилди.

Бу ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Кейинги пайтда савдо қоидасини бузганлик учун 132 миллион 910 минг сўм-купон жарима солиниб, 61 миллион 452 минг сўмлик маҳсулот мусодара қилинди. Гугурт, ёғ, сариёғ, совун каби маҳсулотлар ҳокимият белгилаган тарзда сотилди.

— Сўнгги вақтларда тунги савдолар айниқса кўпайиб кетган эди,— дейди Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи муовини, милиция подполковниги Шораҳим Расулов,— аммо солиқ инспекцияси кечаси ишламасди. Эндиликда милициянинг "Тун" тадбирига улардан ҳам 30 киши жалб этилди. Натижада 29 июндан 30 га ўтар кечаси 62 шиша ароқ, 13 шамьпан виноси, 86 салқин ичимлик, 87 пиво, 42 шиша коньяк, 65 блок сигарет мусодара қилинди. 6,5 миллион сўм-купон жарима солинди.

Фарғоналик бир деҳқоннинг 40 кило саримсоқ пиёзини ўмариб кетаётган ўғри ушланди.

Ҳатто ДАН ходимларига шундай топшириқ берилди: шаҳарга мева-сабзавот олиб келаётган машиналарни кутиб олиш, бозоргача кузатиб бориш, у ерда деҳқоннинг бемалол савдо қилиши учун қулай шароит яратилишига кўмаклашиш.

— Лекин туманлар ҳокимиятларидаги айрим мутасадди кишилар ҳам тартибсизликлар юзага келишига сабабчи бўлмоқдалар,— дейди Тошкент шаҳар ИИБ Жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Муҳаммаджон Деҳқонов.— Улар жойни бориб кўрмай, хонада ўтириб савдо қилишга руҳсат бериб юборавергандар. Мумкин бўлмаган жойларда савдо қилишга рухсат олганларнинг ҳужжатлари қайта кўриб чиқилиши керак.

Ўйлаймизки, бу тадбирлар вақтинча эмас, балки милиция деҳқонларимизнинг эркин савдоси ва харидорларнинг арзон маҳсулотлар харид қилишлари учун куч ҳамда имкониятларни аямайдилар.

О. ФАРМОНОВ.

СИЗЛАРГА ОҚ ЙЎЛ ТИЛАЙМИЗ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Олий мактаби эрта тонгданоқ одамлар билан гавжум бўлиб кетди. Марказий назорат ўтказиш пункти олдига қордек оппоқ парад кийими кийган йигитлардан ташқари уруш ва ички ишлар идораларининг нуроний фахрийлари, чиройли кийимлар кийган қизлар, аёллар, ғурури ичига сиғмаган оналар, шўх болалар ҳам йиғилмоқда эди.

Ана шу шонли санага узоқ вақт тайёргарлик кўрилди. Шу куни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Олий мактабининг 24-марта ва ўрта махсус милиция мактаби курсантларининг 62-сўнгги битирувчилари ҳаётга, амалиётда ўзларини кўрсатиш учун йўлланма олдилар.

Ўрта махсус милиция мактаби 1993 йил июлдан бошлаб Олий мактабга қўшиб юборилди. Энди олий мактаб ички ишлар идораларининг ўрта ва олий бўғини учун ходимлар тайёрлайди. Тантанали маросим ўтказилиши учун ҳамма нарса тайёр. Мустақил, ташвишларга тўла ҳаётга қадам қўйиш арафасида турган йигитлар ҳурматли меҳмонлар билан тўлган минбар олдига саф тортдилар.

Олий мактабнинг 25 тингловчиси Афғонистон урушида иштирок этган. Улар орасида милиция катта лейтенанти А. Аширматов ҳам бор. Ўқишга киргунга қадар Тошкент шаҳар ИИББ қошидаги Қўриқлаш бошқармаси бўлинмасида милиционер бўлиб ишлади. Энди милиция лейтенанти А. Аширматов малакали ҳуқуқшунос сифатида тезкор-қидирув соҳасида ишлай бошлайди. Милиция катта сержанти А. Жўрақулов Афғонистондан қайтиб келгач, Самарқанд вилоят ИИБ патрульпост хизмати бўлинмасининг сардори бўлган. Энди уни Самарқандда қизиқарли тезкор-қидирув иши кутмоқда. Милиция сержанти И. Бегимов ва оддий милиционер Б. Жумановлар эса Қашқадарё вилоятида тезкор ходим бўлиб ишлайдилар.

Лейтенантларнинг кўпчилиги Тошкент шаҳри ва вилояти, шунингдек Фарғона вилоятида жамоат тартибини сақлаш бўйича хизмат қилиш тажрибасига эга.

Чунончи, Чилонзор туман ИИБда малакасини оширган курсант, милиция сержанти Э. Собировга нотаниш кишилар ўғлининг велосипедини тортиб олган ва 15 кундан бери қайтариб бермаётган бир аёл мурожаат қилди. Собиров унинг ўғли билан бирга икки соат давомида велосипедни қидирди ва муқаддам судланган Х. Ш.дан уни топиб, эгасига қайтарди.

Милиция мактаби курсантлари — милиция старшинаси И. Дониёров ва милиция кичик сержанти А. Йўлчиевга хизмат бурчини бажариб юрганларида 1-Баҳор тор кўчасида пичоқ кўтарган безори бир аёлнинг ортидан қувиб юрганини хабар қилишди. Дониёров ва Йўлчиев воқеа юз берган жойга тезда бориб, безорини Миробод туман ИИБга олиб келдилар. Бундай мисоллар оз эмас.

Битирувчиларнинг 70 фоиздан ортиғи оилали кишилар. 1960 йилда туғилган милиция сержанти Ю. Мустанов ўқишга киргунча уч фарзанднинг отаси эди. 1984 йилдан бошлаб Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани ички ишлар идораларида хизмат қилди. Ҳозир оиласида олти бола бор. Қийинчиликларга қарамай яхши баҳоларга ўқиди. Ўқишга киргунга қадар Тошкент вилоятидаги сув омборида қўриқчилик қилган оддий милиционер С. Тожибоев энди икки қизнинг отаси. Ўқишни аълога битирди Ўқишга Тожикистон Республикасининг Исфара туманидан келган милиция сержанти У. Шерматов уч фарзандга ота. Ўқиш даврида гуруҳ сардори бўлиб келди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Р. Ҳайдаров парад қўмондони — мактаб бошлиғининг саф бўйича ўринбосари, ички хизмат полковниги Г. Алимовнинг рапортини қабул қилиб, битирувчилар шаънига илиқ сўзлар айтди. Сўнгра у Олий мактабнинг 18 ва ўрта махсус милиция мактабининг 9 аълочи битирувчисига дипломлар топширди. Булар орасида Р. Аҳмедов, У. Зикриллаев, С. Тожибоев, Н. Исмоилов, Е. Кузнецова, У. Сатторов, У. Қурбонов ва бошқалар бор.

Битирувчиларни Давлат имтиҳон комиссияси раиси, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Г. Саркисянц табриклади. Кафедра бошлиғи, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент, милиция генерал-майори Р. Саитбоев профессор ва ўқитувчилар номидан ўз шогирдларига мурожаат қилди. Фалсафа фанлари номзоди, ички хизмат полковниги С. Каримов ўзининг битирувчиларга бағишланган шеърини ўқиб берди. Битирувчи Б. Назаровнинг акаси — Жиззах вилояти фермерлар кенгаши раиси М. Дўсанов битирувчиларнинг ота-оналарини қутлуғ айём билан табриклади.

Олий Кенгаш Раёсати аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг давлат ва жамоат хавфсизлиги, мудофаа ва ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси масалалари бўйича қўмитаси раиси В. Ниёзматовнинг табриги мактаб тингловчилари ва битирувчиларига қаратилган оталарча ғамхўрлик руҳи билан йўғрилган эди.

Битирувчилар номидан сўзга чиққан милиция лейтенанти Н. Исмоилов ўз устозларига самимий миннатдорчилик билдирди ва мактаб анъаналарини эсдан чиқармасликлари хусусида сўзлади.

Битирувчиларни табрикларкан, мактаб бошлиғи, милиция полковниги У. Тожихонов шундай деди:

— Сизларга қандай иш топширмасин, ўз касбий билим ва кўникмаларингизни доимо такомиллаштириб борингилар, ҳеч қачон эришилган натижа билан чекланиб қолманглар. Маълумот даражангизни мунтазам ошириб боришга ҳаракат қилинглар, ички ишлар идораларининг илғор амалиёти ва катта ўртоқларингиз тажрибасини ўрганиб борингилар, ўз фаолиятингизда уларга таянингиз.

Битирув тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши аппарати ҳуқуқшунослик бўлими мудири А. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси ИИВ шахсий таркиб билан ишлаш хизматининг ўқув юртларига раҳбарлик қилиш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Х. Ҳикматов, Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги С. Алимбоев, Тошкент вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Ш. Икромов, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Олий техника билим юртининг бошлиғи, полковник Ш. Ниёзов, Олий ўт ўчириш-техника мактабининг бошлиғи, полковник М.Собиров ва бошқалар иштирок этишди.

Мактаб билан хайрлашув онлари бошланди. Минбар ёнидан аввал битирувчилар, сўнгра — иккинчи курс қизлари взводи етакчилигида бошқа курс талабалари ўтишди. Сизларга оқ йўл тилаймиз.

Р. ҲОШИМОВ,
истеъфодаги ички хизмат полковниги.
Мақоланинг қалам ҳақини "Постда" — "На посту" газетасининг жамғармасига ўтказишларингизни сўрайман.

Суратларда: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Олий мактабининг навбатдаги битирувчиларга бағишланган тантанали маросимдан лавҳалар.

Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ҳамкасбимиз, милиция сержанти, шунингдек фаол жамоатчи мухбиримиз **Саъдулло БОБОЕВ**ни 8 июль — туғилган куни муносабати билан самимий муборакбод этамиз ва унга соғ-саломатлик, оилавий тотувлик, хизмат фаолиятида муваффақиятлар тилаймиз.

Эҳтиром билан
"Постда" — "На посту" таҳририяти жамоаси ҳамда милиция майори Б. Машарипов ва журналист Р. Ҳасанов.

Ҳурматли **ЛАЪЛИДДИН** ака!

Биз сизни туғилган кунингиз, 30 баҳорингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Сизга яратгандан узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаб қоламиз.

Эҳтиром билан
умр йўлдошингиз Юрсуной, қизларингиз Севара, Дилноза ва Ҳуснорахонлар.



ҲОСИЛ-94

"МАВСУМИЙ" ТАШМАЧИЛАР

Айни кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида ғалла ўрим-йиғими авжи паллага кириб бораяпти. Мавсумни ҳар томонлама тез ва соз ўтказиш учун зарур чоралар кўрилди ва кўрилмоқда. Бу борада албатта ўримнинг сифатли олиб борилиши, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш, турли кўринишдаги ташмачиликларга йўл қўймаслик каби долзарб масалалар биринчи ўринга қўйилган.

Қашқадарёда ҳам ушбу мавсумий ишлар маромида олиб бориляпти. Айниқса, жойлардаги ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ғалладон маҳсулотлари билан боғлиқ қонунбузарликлар ўз вақтида аниқланиб, тегишли чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, Нишон тумани, Ойдин жамоа-ширкат хўжалиги ғалла майдонидан фуқаро Назир Ғаниев икки тонна арпани ҳеч қандай ҳужжатсиз ўз уйига олиб кетаётганда милиция ходимлари томонидан ушланди.

Усмон Юсупов туманидаги 26-жамоа хўжалигининг Оқмачит қишлоғида яшовчи Али Жабборов эса бир тоннаю 383 кило бугдой билан ушланди. Унинг қўлида ҳам тегишли ҳужжат йўқ экан.

Ў. ҲАЙДАРОВ,
милиция катта лейтенанти.



СУРАТЛИ АХБОРОТ

Паркент туман ИИБ навбатчиси, милиция капитани Эргаш Расулов беш йилдан бери шу вазифада хизмат қилади. Воқеа юз берган жойларга тезкорлик билан чиқишда, бинобарин, милиция ходимлари томонидан жиноятнинг тезда очилиши унинг куч-ҳаракати, касб маҳорати ва тажрибаси (ИИБда у 20 йилдан бери ишлайди) қўл келмоқда.

Суратда: Эргаш Расулов иш устида .

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

"ЧАПАКАЙ" КИССАВУР

БУХОРО ВИЛОЯТ ИИБ жиноят қидирув бошқармаси махсус хизматининг бўлинмасида эрта тонгда, ҳар доимгидек, тақсим бўлди: ходимларга хизматга доир аниқ топшириқлар берилди, тегишли тадбирлар аниқлаб олинди.

Тахминан шу пайтда олтмишларга бориб қолган, муқаддам судланган ва ҳеч қаерда ишламайдиган кекса кишi жиноий мақсадни кўзлаган ҳолда Бухоронинг деҳкон бозорига шошиб бормоқда эди. Ўз навбатида, кўпчилик қатори вобкентлик бир аёл ҳам қизчасини етаклаб бозордан у-бу нарса харид қилгани ошиқмоқда эди. Озгина вақтдан сўнг улар анча нохуш вазиятда бир-бирлари билан тўқнаш келдилар.

ИИБ ЖҚБ жиноят қидирув тезкор вакили, милиция катта лейтенанти Сулаймон Маҳмудов бошчилигидаги тезкор гуруҳга деҳқон бозорига туташган С. Муродов кўчасида бўлиш топширилган эди. Гуруҳ аъзолари жуфтликларга бўлиниб, бир-бирлари билан алоқа ўрнатган ҳолда кўчани кўздан кечира бошладилар.

Бир кекса кишининг ҳатти-ҳаракатлари уларда шубҳа уйғотди: у бирор нарса харид қилмоқчи бўлгандек одамлар орасига ўзини урар, яхши кийинган харидорлар олдида гирдикапалак бўлар, ўғирлик қилиш учун қулай пайтни кутгандек у ёқдан-бу ёққа ўтар эди. Жиноят қидирув ходимлари уни диққат билан кузата бошладилар, ҳар бир ҳатти-ҳаракатини кўздан қочирмасликка ҳаракат қилдилар.

Кун исиб кетди. Вобкентдан бозорга келган аёл қизига газли сув олиб бериш учун навбатга турди. У навбатда турганида ўғри унга яқинлашди, чап қўли билан (ўнг қўлида бармоқлари йўқ эди) сумкадан хамирдан қил суғургандек қилиб 80 035 сўм-купон солинган ҳамённи суғурди.

Жиноят қидирув кичик инспекторлари милиция сержанти Абдуфатто Жалолов ва оддий милиционер Илёс Ҳотамов ўғрини ўша заҳоти ушладилар. Кўшни Қирғизистондаги Жалолободдан "меҳмон" бўлиб келган жиноятчи Наврўз Ш. далил билан қўлга тушди.

Бундоқ қараганда киссавурни ушлаш ва фош этиш жуда осон бўлиб кўринади, лекин бундай тасаввур тўғри эмас. Киссавурларни тутиш учун махсус касб кўникмаси зарурки, ИИБ ЖҚБ махсус хизматининг милиция майори Қодир Розиқов бошчилик қилаётган бўлинмаси ходимлари ана шундай маҳоратга эгадирлар. Дарвоқе, шу йилнинг 5 ойи ичида вилоятда 321 марта чўнтакка тушиш рўйхатга олинган, уларнинг фақат биттасигина очилгани йўқ.

Е. ЗУЕВ,
милиция майори.

Суд очерки

ТУШГА КИРМАГАН ГАНЖ

ёхуд бир жиноий гуруҳнинг фош қилинши хусусида

ИЛОННИНГ ТИШИ, чаённинг ниши ёмон. Биз таърифлаётган кимсанинг ваҳшийликлари беадад. Бурчак, пастқам, ҳоли жойлар унинг суюкли манзили. Чунки у асосий ишларини ўша — кўздан нари жойларда уддалайди. Буни билган билади, билмаган йўқ.

Ҳамқишлоқлари, таниш-билишлари уни тажрибали, ишбилармон йигит, деб ҳурмат қиладилар. Айниқса, у билан энди танишган, бир-икки ўтиришда теварагида гирдикапалак бўлган ёшлар эса ундан тажриба ўрганиш иштиёқида, соясига салом бергудек бўлишарди. У-чи? Бунақанги хайрли ишларни тушига ҳам киритмасди. Унинг жилмайиб боқишлари дилидаги пинҳоний мақсадини сездирмаслик воситаси, холос. Сиртидан одамларга меҳрибондай кўринса-да, иложи бўлса уларни сувга олиб бориб суғормай қайтарса.

Яна бир қабиҳ орзуси — умрида бирор жойда ёлчитиб ишламаган, қайсидир номаъқул иши учун қамалиб чиққан, дакки еган, ранжиган, нолиган аламзадаларни топиш, атрофига тўплаш ва уларнинг қўллари билан жарақ-жарақ пул топиш.

Унинг исми-шарифи Қобил Бўриев. Бугунги кунда бу номни эшитган ҳар бир киши бир қалқиб тушса керак.

Хонобод қишлоғи Тошкент вилоятининг энг хушманзара, энг хушҳаво жойларидан биридир. Мана шу қишлоқдаги донги кетган "Гўзал" чойхонаси бир неча йил муқаддам норасмий равишда "Қобил чойхонаси" деб юритила бошланганди. Бунинг асосий сабаби, Қобил Бўриев ўзининг ҳамтовоқлари билан чойхонага ин қуриб олиб, ими-жимида жиноий ишлар режаларини тузишар, кечалари тонготарга қадар қимор ўйинини ташкил қилишарди. Қиморбозларнинг дарди — пул. Шу дард хуруж қилганда бир-бирини алдайди, кўзини шамғалат қилади. Лекин ўйин қизиганда дўстлик тугул, инсонлар боши ҳам пулга чақилиб кетади.

1992 йилнинг 20 сентябрга ўтар кечаси мана шу чойхонада катта қимор ўйини бўлди. Ўртадаги пул дам унга, дам бунга ўтиб турди. Тонгга яқин эса Азиз Турғуновнинг омади чопди. Ҳамма пуллар унинг олдига уюлиб қолди. Ўйиндан сўнг Абдураҳим Умарбеков ўз автомашинасида уни уйигача кузатиб қўйди.

Қобил Бўриев ғолибга мағлуб кўзи билан қаради. Мол аччиғи—жон аччиғи, пулига ачинди. Бундан ҳам муҳимроғи, ўша пулларнинг эгаси бўлиш истаги вужудини титратиб юборди. Шу ўйлар ғалаёнида зардаси қайнаб сапчиб турди.

"Наҳотки, аллақандай бир келгинди чўнтагимни қоқлаб кетаверса?"— ғудранди ўзича.

Кўп ўтмай Азиз Турғуновдан қимор ўйинида ютиб олган пулларини товламачилик йўли билан қайтариб олиш учун найранг ўйлаб топди. Бироқ бу истагини сиртига чиқармади. Аммо, қабиҳ ниятини амалга ошира бошлади. Йўқолмаган бриллиант тошли тилла узук йўқолдига чиқди. Бунинг касрига ғолиб қиморбоз ҳам қолиши тайин эди. Шу боис, узук қидирувчилар дастлаб Абдураҳим Умарбековнинг уйига қадам ранжида қилишди.

Умарбеков чойхонадан қайтиб, энди ёстиққа бош қўйганда, кўча эшик тақиллади. Чиқиб қараса, Қобилнинг Баҳодир, Қаҳрамон исмли укалари билан Умар Ҳошимов туришибди. У шошиб қолганидан тили калимага келмай қолди. Кейин зўрға:

— Тинчликми?— деб сўради.

— Нима иш қилиб қўйганингни биласанми?

— Билмайман,— деди Умарбеков давдираб. — Тинчликми ўзи?

— Сени Қобил чойхонада кутиб ўтирибди... Борсанг, биласан...

Чойхонада ўзини хон, кўланкасини майдон санаб ўтирган Қобил Бўриев Умарбековни кўриши билан иргиб ўрнидан турди:

— Ҳа, ўғригина болам, келдингми? Қани, яхшиликча тилла узукни узат-чи! Уни қаерга яширдинг аблаҳ?!

— Қанақа узукни сўраяпсиз?— деб сўради Умарбеков ажабланиб.— Худо ҳақи, мен ҳеч қандай узук кўрганим йўқ.

— Агар тирик қолишни истасанг, узукни қачон, ким олганини айтасан. Акс ҳолда нариги дунёга жўнатиб юбораман, тушундингми?

Умарбеков Қобилнинг важоҳатидан қўрқиб кетди. Бирдан юрагининг гурсиллаб ураётгани қулоқларига аён эшитилаётгандек туюлди. Унинг юзлари докадек оқариб кетганини, тиззалари "дир-дир" титраётганини кўрган Қ. Бўриев асосий мақсадга ўтди:

— Унда Азизни қаерга обориб қўйганингни айтасан. Бўлмаса...

Умарбеков қараса, аҳволи чатоқ. Ҳозир Қобилнинг буйруғини бажармаса, бу зўравонлар уни соғ қолдиришмайди. Шунинг учун ҳам у Азиз Турғуновни қаерга олиб бориб қўйганини айтишга мажбур бўлди.

Шундан сўнг Қобилнинг кўрсатмаси билан Нуритдин Қурбонов, Қаҳрамон Бўриев, Умар Ҳошимов ва жиноий гуруҳнинг ўндан ортиқ аъзолари Азиз Турғуновнинг хонадонига йўл олдилар.

Улар манзилга етгач, ҳовлига эшик орқали эмас, балки девордан ошиб кирдилар.

Азиз бу пайтда ширин уйқуга кетганди. Босқинчилар уни уйғотиб, аёвсиз калтаклай бошладилар. Улар навбатма-навбат роса тепкилашди. Азиз ҳушидан кетиб, гурс этиб қулади.

Бир маҳал ҳушига келди. Тўнғиллаган овозлар чалинди қулоғига. Билдики, гилам устида чўзилиб ётибди... Сочлари, юзлари жиққа ҳўл. Шу пайт тепасида кимдир пайдо бўлиб, дўқ аралаш сўради:

— Узукни қаерга қўйганингни айтасанми, йўқми?

Азиз аста бош чайқади. Бундан ғазабланган Умар Ҳошимов ёнбошида турган Умарбековни уриб, тепа кетди. Оғриқнинг зўридан Умарбеков аянчли инграб юборди.

Босқинчилар Азизнинг хонадонини ағдар-тўнтар қилиб юбордилар. Бироқ излаган нарсаларини топа олишмади. Шу сабабли улар "айбланувчилар"ни машиналарига босиб, тўғри Қобилнинг ҳузурига олиб бордилар. Худди шу пайтда Қобилнинг йигитлари бошқа эшикдан тунги қиморда қатнашган Давлат Мамедовни бошлаб киришди.

Қобил улардан товламачилик йўли билан катта миқдорда пул ундириш мақсадида аввалдан ўйлаб қўйган найрангини ишга солди:

— Хўш, қани, айтинглар-чи, ичларингда қайси бирларинг менинг тилла узугимни ўғирладинглар? Кимда ким узукни ўғирлаганини тан олгиси келмаса, ўзидан кўрсин.

— Бизлар ҳеч қандай узукни кўрганимиз йўқ,— деди синиқ овозда Турғунов. У гапини тугатар-тугатмас энгаги остидан зарб еди. Ҳавога бир сапчиб, қаттиқ чайқалди. Кўзлари тинди. Кейин қулоғига Ҳошимовнинг ўдагайлаётгани олисдан эшитилаётгандек чалинди.

— Топасан, аблаҳ! Биз билан ўйнашма, барибир топамиз.

Калтаклар зарбидан афтлари ёрилиб, бутун вужудлари холсизланиб бир аҳволга тушиб қолган Турғунов, Умарбеков, Мамедовлар Қобилга юзланиб, ҳеч қандай узукни олмаганликларини, уларни ортиқ қийнамасликларини илтимос қилиб кўзларига ёш олдилар. Бироқ Қобил уларнинг на илтимосларига қулоқ осди, на кўз ёшларига эътибор қилди:

— Етар... — сўкиниб қўл силтади Бўриев.— Буларнинг ҳаммасини олиб бориб гумдон қилинглар.

Бекмуродов, Ҳошимов, Ҳожиматов ва бошқалар Қобилнинг буйруғига итоат этиб, уларни мажбурлаб Хурсанд Эркаев, Нуритдин Қурбонов, Баҳодир Бўриевлар бошқарувидаги автомашиналарга ўтказиб, Зангиота туманидаги "Ҳўкизорол" деб аталувчи хилват жойга олиб боришди. Чор атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилишгач, Турғунов, Умарбеков ва Мамедовларни машиналаридан дўқ уриб тушириб, ерга чўккa ўтқазишди, сўнг навбатдаги зуғумга ўтишди.

Нуритдин Қурбонов билан Умар Ҳошимовлар ёнларидан "Макаров" тўппончасини чиқариб, уларни қайтадан "тегирмон"га солишди. Қолган босқинчилар ҳам жим туришмади: бири оёғини ишга солса, бошқаси мушт тушириб турди. Бироқ "айбланувчилар" қанча азоб-укубат чекишмасин "айб"ларига иқрор бўлишмади. Бундан ғазабланган Ҳошимовнинг кўзларига қон қуйилиб, инсон ақли бовар қилмайдиган, эшитган одамни сескантирадиган усулни қўллади. Ҳожиматов олиб келган оқ пластмасса идишдаги ёнилғини калтаклар зарбидан ўт-ўланлар устида сулайиб ётган учала "айбланувчининг" устига сепиб, уларни тириклайин ёқиб юборди.

Умарбеков билан Мамедов олов ичида қолганларидан кимсасиз далани бошларига кўтариб дод-войлаб, ўзларини сувга ташлашди.

Азиз Турғунов эса аланга ичида ўзини йўқотиб қўйганидан ақлдан озган одамлардек ўкириб, ерга йиқилиб, думалаб-думалаб бир амаллаб ўтни ўчирди.

Бир чеккада томошабин бўлиб турган ваҳшийлар кучли оловдан куйган "айбланувчилар"ни биттабитта машиналарга ўтказиб, Қобилнинг қароргоҳига қараб равона бўлдилар. Йўлда Бахтиёр Бекмуродовга тегишли бўлган "ГАЗ-24" автомашинасида келаётган Қобил Бўриев уларни кўриб, машинани тўхтатди. Машинадан оҳиста тушиб, ҳамтовоқларидан сўради:

— Узугимни ким ўғирлаганини биронтаси эсладими?

— Йўқ, ҳеч ким эслолмади,— деди ваҳшийлардан бири синиқ овозда.

Шу пайт машинанинг орқа ўриндиғида ўтирган, танаси оловда қаттиқ куйган Азиз Турғунов туйқусдан аянчли инграб юборди:

— Бир узук учун шунчалик азоблаш шартмиди? Агар мени қўйиб юборсаларингиз, 500 грамм тилла келтириб бераман.

Бекмуродов бу гапни эшитиб, Умарбековга ўгирилди:

— Мана, Азиз ярим кило тилла ваъда қиляпти. Сен нима берасан?

— Менда берадиган ҳеч вақо йўқ,— деди жиддий оҳангда Умарбеков.— Бирдан-бир бойлигим — саломатлигим эди. Уни бугун адойи-тамом қилдинглар.

Босқинчилар уч "айбдор"ни ортиқ қийнаш, азоблашдан фойда йўқлигига ақллари етиб, дўқ-пўписага ўтдилар:

— Майли, ҳозир сенларни уйларингга обориб қўямиз. Бироқ нима бўлганини на оила аъзоларингга, на қўни-қўшни, на ички ишлар идораларига айтиб қўйсаларингиз, соғ қўймаймиз. Тушунарлими?

Шундан сўнг кийим-боши, сочи, юзи ва баданлари оловда куйиб жизғанак бўлиб кетган уч "айбдор" озодликка чиқдилар.

Суд-тиббиёт экспертизасининг хулосасига кўра, Азиз Турғуновнинг баданида қаттиқ калтакланиш излари аниқланиб, қўл, оёқ, кўкрак қафаси, бўйин ва танасининг 40 фоизи куйиб кетган. У оламдан ўтди.

Шунингдек, Д. Мамедов билан А. Умарбековларнинг баданлари ҳам турли даражада куйган.

Суд Азиз Турғуновни ўлдиришда Қобил Бўриевнинг ташкилотчи, Баҳодир Бўриев, Қаҳрамон Бўриев, Бахтиёр Бекмуродов, Нуритдин Қурбонов, Хусан Эркаевларни иштирокчи деб баҳолади.

Олий суд жазо масаласини (унга республика Олий суд Раисининг биринчи ўринбосари А. А. Полвонзода раислик қилди) кўриб чиқаркан, судланувчилар томонидан оғир жиноятлар содир этилганлиги, жамият учун катта хавф туғдирилгани ва улар ҳар бирининг жиноий гуруҳдаги иштирокини ҳисобга олди. Қ. Бўриев, Б. Бекмуродов ва Н. Қурбоновларнинг шахси жамият учун ўта хавфлилигини, улар республикамиз фуқаролари ҳаётига тажовуз қилиб келгани, жиноий ҳаракатлари билан инсонга хос бўлмаган ваҳшийликларни содир этганликлари, бу оғир оқибатларга олиб келганлиги, Ўзбекистон Республикаси қонунларини алоҳида сурбетлик билан менсимаганлиги учун мол-мулки мусодара этилиб, энг олий жазога — отиб ўлдиришга ҳукм чиқарилди. Ҳукм қатъий ва шикоятга ўрин қолдирилмади.

Қобил Бўриев бошчилик қилган жиноий гуруҳнинг бошқа уч аъзосига 15 йилдан қамоқ жазоси белгиланди.

"Менинг нафсим балодир, енган ўтга соладир" иборасининг исботи бу.

Мурод ТИЛЛАЕВ,
"Постда" мухбири.

ЭЗГУ МАҚСАДНИ КЎЗЛАБ

ВОДИЙ ВИЛОЯТЛАРИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ФАРҒОНАДА УЧРАШДИЛАР

ЯҚИНДА ФАРҒОНА вилояти ҳокимлигининг ички ишлар бошқармасида Андижон, Ўш, Фарғона, Жалолобод ва Наманган вилоятлари ички ишлар бошқармалари ходимларининг навбатдаги Кенгаши бўлиб ўтди.

Анъанага айланган бундай учрашувлар Фарғона водийси вилоятлари ИИБ ходимлари ўртасидаги ҳамкорлик ришталарини тобора мустаҳкамламоқда. Жумладан, Жалолобод ва Андижонда ўтказилган қўшма мажлисларда белгиланган тадбирларнинг бажарилиши ижобий натижалар беряпти. Ҳамкорликда олиб борилган тадбирлар туфайли қатор жиноятлар очилиб, айбдорлар жазоланди.

Кенгашни Фарғона вилояти ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги Ш. Рўзматов очиб, қатнашчиларга миннатдорчилик билдирди ва беш вилоят ички ишлар ходимларининг ҳамкорлиги ўзининг дастлабки натижаларини бераётганлиги, халқимиз ўртасида яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлашда, тинчлик, осойишталикни таъминлашда муҳим роль ўйнаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Кенгаш қатнашчилари вилоятларда гиёҳвандлик ва наркобизнесга қарши кураш борасидаги тажрибалар билан ўртоқлашдилар ва жамиятимиз учун ёт бўлган бу қора иллатга қарши биргаликда аёвсиз кураш олиб бориш учун тегишли тадбирлар белгиладилар.

Ҳозирги кунда ҳамма давлатлар ҳудудида гиёҳвандлик ва наркобизнес авж олиб бормоқда. Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари ҳам бундан мустасно эмас. Бу ўз навбатида ички ишлар ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Республикамизда бу иллатга барҳам бериш борасида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов гиёҳванд моддаларнинг ғайриқонуний айланиши жаҳон ҳамжамияти ҳаёти ва тараққиётига катта моддий ва маънавий зарар келтириши табиий бўлган ашаддий унсур эканлигини таъкидлаб ўтди ва бунга қарши курашга жаҳондаги барча мутахассисларнинг эътиборини қаратди. Республикамизга БМТ наркотик моддаларга қарши кураш халқаро дастурининг ижрочи директори Жиоржио Жиакомели раҳбарлигидаги делегациянинг ташриф буюрганлиги ва Ички ишлар вазирлигида БМТ Халқаро дастури билан ҳамкорликдаги ҳужжатнинг имзоланиши фикримизнинг далилидир.

Кенгашда сўз олган Фарғона вилояти ИИБ бошлиғининг муовини, милиция подполковниги И. Мирсоатов, Андижон, Ўш, Наманган, Жалолобод вилоятлари ИИБ бўлим бошлиқлари — милиция майори Х. Муҳамедов, А. Қодиров, милиция подполковниги М. Алихонов, милиция майори Т. Умарохуновлар ҳам гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний айланиши ва ундан катта даромад олаётганларга қарши кураш бўйича қилинаётган ишлар хусусида гапирдилар ҳамда ҳамкорликда қандай тадбирлар ўтказилса кўзланган мақсадга эришиш мумкинлиги тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Вилоятлар ИИБ раҳбарлари, жумладан, ички хизмат генерал-майори Т. Муродхўжаев, милиция полковниги Б. Субанбеков, милиция полковниги Ш. Рўзматов, милиция полковниги Б. Табалдиев, Наманган вилояти ИИБ бошлиғининг муовини, милиция полковниги Н. Муллабеков ўртоқлар Жалолобод ва Андижонда ўтказилган учрашувларда белгиланган тадбирларнинг бажарилиши, ютуқ ва камчиликлар, беш вилоят ИИБ ходимлари ҳамкорлиги учун зарур бўлган бошқа масалалар хусусида фикр юритдилар.

Водий вилоятлари ИИБ ходимларининг бу ҳамкорлиги нафақат Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари тинчлиги, осойишталигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликнинг томирига болта уришда ижобий натижа беради, балки юртбошларимиз И. Каримов билан А. Ақаевнинг учрашувида таъкидланганидек, "мозори ҳам, бозори ҳам бир" бўлган халқимиз ўртасида дўстлик ва қардошлик муносабатларини янада яхшилаш учун хизмат қилади. Кенгашда сўзга чиққан нотиқлар мана шу эзгу сўзларни қайта-қайта такрорлаб ўтдилар.

Водий ИИБ раҳбарлари шу йилнинг сентябрь ойида Наманган шаҳрида учрашишга келишиб олдилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль назорати бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги Маҳмуджон Бекмуродов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Вилоят ИИБ бошлиқлари журналистларнинг саволларига жавоб бердилар.

Б. ОМОНЗОДА.

Ханс Хайнц ЭВЕРС

ЎРГИМЧАК

ҲИКОЯ

Альфред Стевенс кўчасидаги кичик меҳмонхонанинг еттинчи хонасида кетма-кет уч жума куни, уч киши ўзларини дераза пардасининг ипига осиб ўлдирдилар. Ана шу сирли фожиадан сўнг анча вақт бўшаб қолган хонага тиббиёт факультетининг толиби Ришар Бракемон кўчиб келди. Ўзини осиб ўлдирганлардан биринчиси швециялик майда савдогар эди. Унинг ўлганини шанба куни кечқурун билишди. Жасадни обдон текширган врач, ўлим жума куни соат 5.00 ва 6.00 атрофида юз берганлигини аниқлади.

Ўз жонига қасд қилган одам дераза пардасининг ипини сиртмоқ қилиб, ўзини осган, дераза анча паст бўлганидан шўрлик оёқлари ерга тегиб кетмаслиги учун тиззаларини букиб олганди. Текширишлардан яна шу нарса маълум бўлдики, ўз жонига қасд қилган шахс ўзига тўқ, оилали, турмуш машаққатларидан холи одам бўлган. Иккинчи фожиа ҳам айнан биринчисига ўхшаш. "Медрано" циркининг артисти Карл Краузе ўтган жума кунларининг бирида, худди шу йўсинда ўзини осиб ўлдирди. Бу иккинчи ўлим ҳам худди биринчисидек ўта жумбоқли эди. Йигирма тўққиз ёшли машҳур артист жуда қувноқ одам бўлиб, у ҳар ойда катта маошининг бир қисмини канда қилмай онасига юбориб турарди. Меҳмонхона бекаси Дюбоннэ хонимнинг даромадига бу иккинчи фожиа қаттиқ таъсир кўрсатди. Меҳмонхонанинг баъзи бир мижозлари бошқа меҳмонхонага кўчиб ўтишди. Доимий мижозлари ҳам унинг хизматидан бутунлай воз кечишди. Чорасиз қолган бека ўзининг эски таниши — IX участка комиссарига ёрдам сўраб мурожаат қилди. Комиссар икки кишининг ўз жонига қасд қилиш сабабларини ўрганишга астойдил киришибгина қолмай, бу сирли хонага мижоз ҳам топиб берди.

Полиция бошқармасининг хизматчиси Шарль-Мария Шомье еттинчи хонага кўчиб келиб яшашга рози бўлди. Ўн бир йил флотда хизмат қилган, бу денгиз бўрисига хизмат юзасидан не-не қароқчилар билан олишишга тўғри келган эди. Шарль-Мария-Шоме "Стевенс" меҳмонхонасининг машҳур жумбоғини ўзи ечишига ишонгани учун якшанба куни кечқурун еттинчи хонага кўчиб келди ва Дюбоннэ хонимнинг тотли кечки овқатидан кейин эса хотиржам уйқуга кетди.

Ҳар куни эрталаб ва кечқурун у комиссарга ҳисобот берар, ҳисобот эса кун одатдагидай тинч ўтганидан иборат бўларди. Чоршанба куни Шомье комиссарга ниманидир илғагандек бўлганини, лекин бу нарса иккала ўлимга алоқадор эканлигига ишончи комил бўлмагунча ҳеч нарса деёлмаслигини айтди. Пайшанба куни у паришон, ўзига ишончини йўқотгандек кўринди. Жума куни эрталаб эса Шомье нимадандир қаттиқ ҳаяжонланган ҳолда ярим ҳазил, ярим жиддий қилиб "деразанинг ўзига тортувчи сирли оҳанграбоси бор" деди. Кечқурун у полиция участкасига келмади. Қидириб келишганлар уни ўз хонасидаги дераза ёнида осилган ҳолда кўришди. Бу галги фожиа ҳам айнан олдинги иккала фожианинг ўзгинаси: жасаднинг оёқлари ерга тегиб қолмаслиги учун тиззалари букилган, бўйнидаги арқон дераза пардасининг ипидан ясалган эди. Дераза очиқ, хона эшиги қулфланмаган. Шўрлик Шомьенинг жасадини сиртмоқдан бўшатиб олаётганларида, катта очилиб қолган оғзидан қора ўргимчак ўрмалаб чиқди. Меҳмонхона хизматчиси ўргимчакни ижирғаниб қаёққадир отаркан: "Яна шу ярамас ҳашарот" деди. Унинг сўзига комиссар ҳам, бошқалар ҳам эътибор бермадилар. Кейинчалик, Бракемоннинг иши бўйича текширувда, хизматчи цирк артистининг жасадини арқондан олишаётганларида ҳам худди шундай ҳашарот жасаднинг елкасидан ўрмалаб тушганини айтди... Бу тўғрида Ришар Бракемон ҳеч нарса билмасди. Учинчи фожиадан сўнг икки ҳафта ўтгач, якшанба куни Ришар Бракемон ана шу машъум 7-хонага кўчиб келди. У келган кундан бошлабоқ, бу ердаги ҳаётининг барча ижир-чижиригача кундалик дафтарига ёзиб борди.

Тиббиёт факультетининг студенти Ришар Бракемоннинг кундалиги.

Душанба, 23 февраль. Кеча бу хонага жойлашдим. Ширин уйқудан мени соат 9.00 да эшикнинг тақиллаши уйғотди. Бека нонушта келтирибди. Унинг менга алоҳида ғамхўрлиги яққол сезилиб турибди. Мен ювиниб, кийиниб бўлгач, хизматчи хонани тозалашга киришди. Йўлакка чиқиб, чекдим. Шундай қилиб хатарли ўйин бошладим. Ва айни пайтда бу ўйинда кўп нарса ютишим мумкинлигини ҳам сезиб турибман. Парижни забт этиш осон эмас. Ўз бахтимни синаб кўришга ҳозир имконият туғилди. Шу сабабли ҳам қиморга ўзимнинг қисқа ҳаётимни тикканман. Мендан бошқа, ўз бахтини синаб кўришни хоҳловчилар кўп эди. Улардан йигирма еттитаси полиция маҳкамасига, бошқалари эса тўғридан-тўғри меҳмонхона бекасининг олдига келиб, шу хонани ижарага беришни илтимос қилишди. Талабгорларнинг учтаси аёл киши эди. Рақобатчиларимнинг барчаси мен каби бечораҳол кишилар эканлиги кўринйб турарди. Омад эса фақат менга кулиб боқди. Менинг қайсарлигим полициячи жанобларнинг тоқатини тоқ қилдими, уларнинг менга шу хонада яшашимга розилик бермасдан ўзга чоралари қолмади. Мен буни яхшилик аломатига йўйдим. Комиссар менга ажойиб револьвер билан полиция ҳуштагини берди. Полиция навбатчиларига Альфред Стевенс кўчасини доимий назорат қилиб туриш ва менинг биринчи чақириғимга дарҳол етиб келиши буюрилди. Энг муҳими, хонамга полиция маҳкамасига уланган телефон ўрнатиб беришди. Лозим бўлган заҳоти етиб келажак ёрдам ҳаётимдан хавотир олмасликка асос бўлиб, кўнглим мутлақо хотиржам.

Сешанба, 1 март. Кеча ҳам, бугун ҳам айтарли ҳеч қандай ҳодиса юз бермади. Дюбоннэ хоним янги ип келтириб, дераза пардасини яна жойига осиб қўйди. Бека ҳар хил баҳоналар билан хонамга тез-тез киради. Мен ундан хонамда рўй берган фожиаларнинг тафсилотини сўзлаб беришни илтимос қилдим. Ўз жонига қасд қилганлар тўғрисида унинг фикри ўзгача эди: цирк артисти ўзини бахтсиз муҳаббат туфайли ўлдирган. Швециялиққа келсак, худо билади, уни нима мажбур қилган ўзини ўлдиришга. Полиция ходими эса атайлаб, бекага қасд қилиб ўзини осган бўлса керак. Дюбоннэ хонимнинг тутуриқсиз фикрларидан кулгим қистайди.

Пайшанба, 3 март. Ҳеч қандай воқеа содир бўлгани йўқ. Комиссар кунда икки марта телефон қилиб, аҳволимни сўради. Мен ўзимнинг тиббиётга оид китобларимни ўқишга тутиндим.

Жума, 4 март. Куннинг биринчи ярми. Тушлик ажойиб ўтди. Бека жуда сахий. У менга ўлимга маҳкум одамга қарагандай қарайди. Бека яна кўз ёшларини оқизиб, мендан "унга қасд қилиб, ўзимни ўлдирмаслигимни" илтимос қилди. Унинг илтимоси кулгули. Дераза пардасининг янги ипини диққат билан кўздан кечирдим. Жуда дағал ва қаттиқ ип. Ундан сиртмоқ ясаш осон эмас. Бу ишга менда ҳам ҳеч бир хоҳиш йўқ. Ёзув столимда ўтирибман. Бир ёнимда револьвер, бир ёнимда телефон. Қизиқувчанликдан ўзга ҳисни туймаяпман.

Кечқурун соат 6.00. Афсус, ҳеч қандай ҳодиса юз бермади. Хавфли дамлар ўтиб кетди. Комиссар соат 5.00 ва 6.00 лар орасида ўн марталаб қўнғироқ қилди. Дюбоннэ хоним ўзида йўқ хурсанд. Бўлмасам-чи, 7-хонадаги ижарачи тўлиқ бир ҳафта яшасада, ўзини осиб ўлдиргани йўқ. Ақл бовар қилмайдиган ҳодиса.

Душанба, 7 март. Мен кетма-кет содир бўлган уч ўлимда ҳеч қандай сир йўқлигига кундан-кунга кўпроқ амин бўла бошладим. Шундай бўлса-да, мен бу ерда иложи борича узоқроқ яшашга ҳаракат қиламан. Парижни ҳали яхши билмасамда, ёмон яшаётганим йўқ. Яшаш жойим ва овқатланишим текин. Ўз машғулотим билан шуғулланаяпман. Булардан ташқари, мени бу ерда ушлаб турган яна бир асосий сабаб бор.

Чоршанба, 9 март. Демак, мақсадга яқинлашаман. Клариманда... Айтгандай, Клариманда ҳақида ҳеч нарса гапирмабман-ку. Ўтган жума куни, ўша хатарли дамда кўнглимда енгиб бўлмас даражада дераза ёнига бориш истаги пайдо бўлди. Бу — ўзимни ўлдириш истаги эмас, Кларимандани кўриш истаги эди. Мен уни Клариманда деб атаяпман, чунки унинг исми ҳақиқатдан ҳам шундай эканлигига заррача шубҳам йўқ. Мен уни келган биринчи кунимдаёқ кўрганман. У "Стевенс" меҳмонхонаси жойлашган тор кўчанинг нариги томонидаги уйда яшайди. Унинг деразаси менинг деразам билан қарама-қарши. Клариманда мени биринчи бўлиб кўрган ва мен билан қизиққандай туюлди. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Ахир менинг нима учун бу ерда яшаётганлигимни бутун шаҳар билади. Парижга чўнтагимда бир чақасиз, тиббиёт илмини ўрганиш учун келганман. Уч кунда бир тўйиб овқатланганига хурсанд студентнинг хотин-қизлар билан қизиқишига йўл бўлсин. Аввалига қаршимдаги уйда яшайдиган қиз билан танишиш хаёлимга ҳам келмаганди. Лекин ўзим сезмаган ҳолда, беихтиёр қўшни қизни кузата бошладим. У яшайдиган уйда учта дераза бўлсада, Клариманда ҳар доим менга қарама-қарши бўлган дераза ёнида ўтирар, қўлидаги кичик урчиқ билан тинмай ип йигирарди. Бундай урчиқни болалигимда бувимда кўрганман. Лекин бувим ҳам бу эски урчиқни ишлатмас, онасидан ёдгорлик сифатида кўз қорачиғидай сақларди. Ҳозирда ҳам шундай эски урчиқ ишлатишларини билмас эканман. Кларимандани жажжи урчиғи жуда нозик, фил суягидан ясалгандек оппоқ. Бу урчиқда Клариманда ўта нафис, ўта ҳарир ип йигирса керак. У қоронғу тушгунга қадар дераза ёнида ип йигиради. Аксига олиб, жуда эрта, соат 5.00 даноқ қоронғу тушади. Мен бирор марта ҳам Кларимандани деразасида чироқ кўрмадим. Кларимандани бўйбасти қандайлигини билмайман. Узун, қоп-қора сочлари оппоқ, рангпар юзига тушиб туради. Бурни кичкина. Юпқа лаблари рангсиз. Тишларини кўрмасамда, менга йиртқич ҳайвонларникидек ўткир туюлади. Катта-катта кўзлари қоп-қора, ўтдек чақнаб туради. У ҳар доим баланд ёқали, хол-холли қора кўйлакда ўтиради, Қўлларида узун, қора қўлқоп — урчиқ нозик бармоқларига зарар етказмаслиги учун бўлса керак. Ингичка, қоп-қора бармоқлар ипни ғайритабиий тез йигиради. Кларимандани биринчи бор менинг деразамга тикилиб ўтирган ҳолда кўрдим. Кўзларимиз тўқнашди. Шу ондан бошлаб бизнинг ўртамизда ажойиб алоқа бошланди. Қачон деразага қарамай, уни кўраман, одатдагидай мен томондан кўз узмай ўтирган бўлади. Бир марта у менга қараб жилмайиб қўйди. Мен ҳам унга жилмайдим. Бугун эса унга енгил таъзим қилдим. Клариманда ҳам менга таъзим билан жавоб қайтарди.

Пайшанба, 10 март. Кеча анча вақтгача китобдан бош кўтармадим. Лекин миямга ҳеч нарса кирмади. Кларимандани хаёли менга тинчлик бермаяпти. Уйқумда ҳам кўп безовта бўлдим. Эртасига кеч уйғондим. Ўрнимдан тура солиб, дераза ёнига бордим. Клариманда одатдагидек кўзлари менинг деразамга тикилган қўллари билан бетўхтов ип йигириб ўтирарди. У билан саломлашдим. У ҳам менга бош ирғади. Машғулотга ҳушим йўқ. Дераза ёнига бориб, Кларимандани кузатдим. У ҳам мен каби қўлларини тиззасига қўйди. Дераза пардасини четроққа сурдим. Шу дақиқада у ҳам менинг ҳаракатимни такрорлади. Биз кулишдик. Анча вақтгача бир-биримизга тикилиб қолдик

(Давоми бор.)

ЭЛГОРИ ЭКРАНДА

Душанба, 11

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Мусаввир".
18.30 "Фасли ёз". Телефильм.
18.40 "Муҳофаза".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Шифокор маслаҳати.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театри артистлари ижросида концерт.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Шукур Холмирзаев. "Қадимда бўлган экан...". Видеофильм.
22.40 "Ўзбекистон" ахбороти.
23.05—00.15 "Ўзгалар бахти". Бадиий фильм.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
20.20 "Бутун умр давомида". Телефильм.
20.40 "Деҳқон ҳиммати".
21.10 "Излаган имкон топади".
21.40—00.10 Ғалабанинг 50 йиллигига. "Улар Ватан учун жанг қилдилар". Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.25 ФУТБОЛ. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ. 1/4 ФИНАЛ.

*

19.30 — 20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 Душанба куни детектив. "Мурданинг кўзгуси". Бадиий фильм. "Эркюль Пуаро" сериалидан.
21.00 "Сиз яратган боғ".
21.30 — 22.30 "Ҳақиқат онлари".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

***

18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).
18.50 "Биз". В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Спорт уик-энди".
20.45 Сизга аталган учрашувлар. Режиссёр Валерий Фокин.
21.30 Иллюзиялар канали.
22.10 — 22.50 "Санъат қасри".

Сешанба, 12

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.30 "Хатарли парвоз". Бадиий фильм.
9.40 "Ортиқ Отажонов куйлайди". Фильм-концерт.
10.05 "Абитуриент-94". Кимё.
10.35 "Зарипов чавандозлари". Телефильм.
11.05 "Абитуриент-94". География.
11.35 Усмирлар учун. "Ўйла! Изла! Топ!".
12.45 "Ўзбек тилини ўрганамиз".
13.15—14.15 "Ёшлик" студияси. "Адолат".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Интилганга толе ёр".
18.40 "Куй ва соз соҳиби". Телефильм.
18.55 "Таълим ва ислоҳот".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Мусиқий дақиқалар.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "ИСТИҚЛОЛ ҚЎШИҚЛАРИ".
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон"ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "ШАҲАР БЕДАРВОЗА ЭМАС...".
22.15 "Ҳар кимдан гумонсировчи одам". Бадиий фильм.
23.40—00.05 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:

19.50 "Мультфейерверк".
20.30 "Эм-Ти-Ви"оҳанглари. Эълонлар.
21.00 Видео янгиликлари.
21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
22.00 — 24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

*

"ОМАД" таништиради:

9.00 "Совға".
9.30 "Ҳар соҳадан бир шингил".
9.40 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
9.50 Эълонлар.
10.00 Видео — "О".
11.45 Эълонлар.
11.55 "Курьер".
12.10 "Ҳар соҳадан бир шингил".
12.30 "Рок ҳақида".
13.00 Эълонлар.
13.10 "Шарқ дурдоналари".
13.40 "Даракчи".
13.50 Эълонлар.
14.00 Видео — "О".

*

18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 "Динозаврга айланмайлик".
20.10 Киномарафон. "Фойдали партия". Бадиий фильм.

*

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 24.00 "Ном-нишонсиз икки йил". Бадиий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

***

18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.50 "Мавзу".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Илк манбадан".
20.40 1994 йил қўшиқлари.
21.25 Катта футбол лаҳзалари.
22.00 — 23.50 "Сўнгги дақиқа". Бадиий фильм (Италия).

Чоршанба, 13

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.30 Болалар учун фильм. "Болакайлар".
9.55 "Шоирлар хиёбони". Фильм-концерт.
10.30 "Абитуриент-94". Математика.
11.00 "Ёшлик" студияси. "Хизмат жойим — ички қўшинлар".
11.25 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.40 "Абитуриент-94". Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
12.10 Чўлпон. "Асорат". Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театри спектакли.
14.00—14.30 Лотин алифбоси.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Фан уфқлари".
18.40 "Хотира". Ёзувчи Мумтоз Муҳамедов таваллудининг 85 йиллигига.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Мусиқий дақиқалар.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "ГУЛЛА, ЯШНА, МУСТАҚИЛ ДИЁР!. ЭКРАНДА — САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ.
22.30 "АНОР" САҲИФАЛАРИДА.
23.25 "Ўзбекистон" ахбороти.
23.50 "Олис масофага югуриш усули". Бадиий фильм.
00.55 ФУТБОЛ. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ. ЯРИМ ФИНАЛ. Танаффус пайтида — Эълонлар ва Янгиликлар.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Спринт".
20.35 "Жонли тил". Телевизион ўйин.
21.35 "Иқтисодий мустақиллик йўлида".
22.15 — 23.30 "У ёлғиз эмас эди". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.30 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадиий телефильм.
19.20 "Ҳеч ким унутилмайди".

*

19.25 — 20.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.55 Арт-обстрел. "Яхши тўлқинлар".
21.30 "Осойишта уй". С. Шолохов кўрсатуви.

*

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.45 "Мафтунингман". Бадиий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

***

18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.50 "Кино юлдузлари. Жан Маре: мен 80 ярим ёшдаман..."
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Инсон ва қонун".
20.40 П. - У. Энквист. "Севги осойишта тунга ўхшайди". А. Чехов номидаги Москва Бадиий академик театрининг фильм-спектакли. Танаффус пайтида (21.35) — "Монолог".
22.25 "Матбуот-экспресс".
22.35 — 23.00 Халқ чолғулари ижрочилари танлови совриндорларининг концерти.

Пайшанба, 14

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Пахтакор" — "Политотдел". 2-тайм.
10.20 "Абитуриент-94". Ўзбек тили ва адабиёти.
10.50 "Рушана Султонова рақсга тушади". Фильм-концерт.
11.15 "Абитуриент-94". Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.45 Болалар учун. "Ўйинчоғим, яхши қол!".
12.10 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
12.25 — 13.35 Болалар учун фильм. "Петькани кўрган борми?"

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Оламга саёҳат". Кинокўрсатув.
18.50 "Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Устозни ёд этиб...". Ўзбекистон халқ артисти Исоҳор Оқилов.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 "Навоийхонлик".
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "ХОНАНДА БИЛАН УЧРАШУВ". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Замира Суюнова.
22.10 Учқун Назаров. "Ойна". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.40—00.05 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:

19.50 "Омад" тақвими.
20.00 "Жозиба".
20.20 "Бир шингил ҳангома".
20.30 "Зиндаги ёхуд муҳаббат".
20.50 Видео янгиликлари.
21.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
21.50—23.50 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

*

18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадиий телефильм.
20.45 "Уз ўйини".
21.15 "Джаз-клуб".
21.45 "Хроно". Авто ва мотоспорт оламида.
22.15 Криминал хабарлар экрани.

*

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.40 "Майдонга йўл". Бадиий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

***

18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.50 "Эслашлари учун..." Л. Филатовнинг муаллифлик кўрсатуви. 4-боб.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Москва — Кремль".
20.55 "Иффатнинг ўзи". Бадиий фильм (Франция).
22.45— 22.55 "Матбуот-экспресс".

Жума, 15

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.30 Болалар учун фильм. "Ана Бумбо келди".
9.45 "Юнус Ражабий". Телефильм.
10.15 "Абитуриент-94". Биология.
10.45 "Шаҳрисабз". Телефильм.
11.00 Болалар учун. "Қувноқлар даврасида".
11.25 "Абитуриент-94". Физика.
11.55 "Илҳом" телевизион клуби.
12.40 "Алифбо сабоқлари".
13.10 — 13.40 "Кафолат".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрса. уви.
18.10 "Оромгоҳлар қўйнида".
18.30 "Фермерлар". Телефильм.
18.50 "Ёшлар ва замон".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Ёшлик" студияси. "Дилкаш суҳбатдош".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 "Анъаналар этади давом...". Мусиқий кўрсатув.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Бевосита мулоқот.
22.30 "Шоҳсупа". Бокс бўйича жаҳон кубоги мусобақалари якунига чизгилар.
23.00 ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ МАҲБУБА ҲАСАНОВА КУЙЛАЙДИ.
23.50—00.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
19.50 "Ватан туйғуси".
20.30 "Тиғиз пайтда".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 — 22.25 "Тошкент оқшомлари".

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.40 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадиий телефильм.

*

19.30 — 20.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.25 ФУТБОЛ. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ. ЯРИМ ФИНАЛ.

*

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.55 "Маобит дафтари". Бадиий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

***

17.50 "Инсон ва қонун".
18.20 "Горячев ва бошқалар". Бадиий телесериал. 34-серия.
18.50 "Мўъжизалар майдони".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Ҳафтанинг машҳур кишиси".
20.50 "Детективлар клуби"да. "Ден Огаст". Телесериал. 11-серия.
21.55 "Матбуот-экспресс".
22.05 — 22.55 "Взгляд А. Любимов билан.

Шанба, 16

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.30 "Ноқулай одам". Бадиий фильм.
10.00 "Самарали изланишлар".
10.30 "Ёшлик" студияси. "Талабалар саҳнасида".
11.10 "Анъана ва замон".
11.50 Ўсмирлар учун. "Яшил чироқ".
12.40 "Мусиқа маскани". Ҳамза номидаги мусиқа билим юртининг 70 йиллигига.
13.40 "Шоҳрўҳ" клуби.
14.10 "Оламни асранг".
14.40 "Эъзоз".
15.20—16.25 Бир асар тарихи. Одил Ёқубов. "Диёнат".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. "Остонадаги ўйлар".
18.25 "Неъмат Қўзибоев". Телефильм.
18.40 "Оила".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Мусиқа оҳанглари". Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 "Бир ҳикмат бор муҳаббатда". Эркин Мадраҳимов лирикаси.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "КУЛГИ КЕЧАСИ". Ҳожибой Тожибоев.
22.30 "ТУНГИ ЁҒДУ". Дам олиш кинодастури.
00.10 "КАТТА ФУТБОЛ ЛАҲЗАЛАРИ".
00.25 ФУТБОЛ. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ. 3-ўрин учун матч.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультфейерверк".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
10.10 Видео янгиликлари.
10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
11.10 "Кинонигоҳ".
12.40 "ОМАД" тақвими".
12.50 "Жозиба".
13.10 "Бир шингил ҳангома".
13.20 "Зиндаги ёхуд муҳаббат".
13.40 Видео янгиликлари.
14.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
14.40 — 16.30 "Кинонигоҳ".

***

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Болалар учун. "Табассум".
20.30 "ЭКОСАН" — сизнинг жамгармангиз!".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 "ДАН: Йўлингиз бехатар бўлсин!".
22.25 "Концерт залларида".
23.25—00.15 "Бағритошлик".

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

*

12.20 — 16.00
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

12.20 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
12.45 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 3 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН. "Ўзбекистон — қадрдон уйим".
13.30 "Дидар" (қозоқ тилида).
14.00 "Би-Би-Си" янгиликлари (инглиз тилида).
14.15 "Умид" (уйғур тилида).
14.45 "Си-Эн-Эн" янгиликлари (инглиз тилида).
15.00 "Томоша давом этиши керак..." Мусиқий кўрсатув.
15.40 "Бу ажиб дунё".

*

18.00 — 19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 Санъаткор фильмотекасидан. Режиссёр И. Хейфиц. "Ася". Бадиий фильм.
21.05 "Мутлақо махфий".
21.55 "Ёлғиз қирол". Юл Бринер. В. Вульф кўрсатуви.

*

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.40 "Болагинам". Бадиий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 "Рукн премьераси" туркумидан кўрсатув.
18.50 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Бьюлаленд". Телесериал. 4-серия.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.45 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Комиссар". Телесериал. 6-серия.
21.40 "Академия".
22.10 "Матбуот-экспресс".
22.20 — 22.45 "Рақслар, рақслар, рақслар..."

Якшанба, 17

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 75—76-сериялар.
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 "Халқ ижодиёти". Сурхондарё вилояти "Кумуш тола" ашула ва рақс ансамблининг концерти.
10.50 "Ёшлик" студияси. "Ҳуқуқ сабоқлари".
11.35 Болалар учун. "Рисолат қиз ўйнасин".
12.00 "Кулги — дармон дейдилар". Абдулла Акбаров.
12.40—14.30 Шароф Бошбеков. "Темир хотин". Сирдарё вилояти Маданият уйи бадиий ҳаваскорларининг спектакли.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. "Маҳалламиз болалари".
19.00 "Дўстлар дийдори". Телефильм.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 "Мусиқа ва тасвир". Кинокўрсатув.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Эълонлар.
21.35 "Ойнаи жаҳонда...".
21.55 "ҚУШИҚ ВА ШЕЪРИЯТ КЕЧАСИ". Гиёс Бойтоев ва Муҳаммад Юсуф.
22.55 "Муҳаббатнома". Бадиий фильм.
00.25 ФУТБОЛ. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ. ФИНАЛ.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради.

17.00 "Совға".
17.30 "Ҳар соҳадан бир шингил".
17.35 Эълонлар.
17.40 Видео-"О".
19.20 Эълонлар.
19.25 "Курьер".
19.40 "Эм-Ти-Ви"дан мусиқалар.
20.00 "Ҳар соҳадан бир шингил".
20.15 Эълонлар.
20.20 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
20.40 "Даракчи".
20.50 Эълонлар.
21.00 — 23.00 Видео-"О".

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

*

12.20 — 16.00
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

12.20 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
12.45 Элчихоналардан янгиликлар.
12.50 "Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси". Франция.
13.20 "НЭПАЛ" ва бошқалар".
13.50 "Би-Би-Си" янгиликлари (инглиз тилида).
14.05 "Интердиалог: Ўзбекистон — ЕС" (Европа ҳамжамияти).
14.40 Сиз ёқтирган қўшиқлар.
15.10 "Си-Эн-Эн" янгиликлари (инглиз тилида).
15.25 "Озгина-ю созгина".
15.40 "Бу ажиб дунё".

*

18.00 — 19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 "Криминал квартет". Бадиий фильм.
20.50 Спорт кўрсатуви.
20.55 "Городецклик усталар". Телефильм.
21.25 "Футбол қасидаси". П. Доминго, Х. Каррерас, Л. Паваротти Лос-Анжелесда.

*

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.30 — 00.50 "Ноктюрн". Бадиий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.40 Мультфильмлар: "Баскетбол жазаваси", "Ҳақиқий ажина овловчилар".
18.35 "Бомонд".
18.50 Жан-Поль Бельмондо "Шаҳар узра ваҳима" бадиий фильмида (Франция).
21.00 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви.
21.55 "Хабарлар". В. Шукшин.
22.40 - 22.55 "Авто-шоу".

("Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз" дастуридан).

1994 йил — Оила йили

ДЎЗАХИ ПАМОЕВХОН

АШИР ота қабрга қўйилиб, тупроқ тортилгач, тиловат қилинди. Қабристондаги маросим ниҳоясига етиб, тобутбардорлар тарқала бошладилар. Шу чоғ қоронғу қабр ёришгандек бўлди. Ашир ота кўзини очди. Унинг тепасида кимдир — кўриниши одамсифат, аммо нуроний юзларида жаҳл асорати сезилиб турган ўрта яшар, қора ридо ёпинган кимса турарди.

— Эй ғофил банда, — деди нотаниш кимса титроқ овозда, — мен сен билан савол-жавобга келдим. Аммо авваландоқ айтиб қўяй, сенинг дўзаҳга ҳукм этилишинг муқаррар!

Ашир отанинг муздек танаси титраётгандек, вужудини ўраб олган кафани торлик қилаётгандек бўлди.

— Хўш, нега жимсан? — деди сўроқ қилувчи кимса, — ўзингни оқлашга балки далил изларсан?

Маййитга айланган Ашир ота ўзини тутиб олди:

— Янглишмасам, сен...

— Ҳа, ўша, — чўрт кесди сўроқ қилувчи.

— Ахир, мен фоний дунёда обрўли, мўъмин, намозхон эдим, — деди Ашир ота дадилланиб, — Аллоҳ ҳар мўъминга фарз қилган намозу закотни, садақа, рўзаю имонни тўлиқ адо этганман. Ҳатто икки бора Ҳаж қилдим.

Сўроқ қилувчи қаттиқ кулиб юборди:

— Ҳаж қилган эмиш! Икки бора ҳажга қандай маблағу қайси мақсад билан борганлигинг бизга маълум... Гуноҳингни камайтириш учун бўлак важ изла!

Ашир ота беихтиёр ўзи ўйлаганчалик пок, комил мўъмин эмаслигини тан олгандек бўлди.

— Маҳалладаги масжид қурилишига бошчилик қилганман, — деди журъатсиз овозда, — яна ифторликлар...

Сўроқ қилувчи бу гал кулмади. Ғазабнок оҳангда жавоб қилди:

— Бир неча шўринг қурғур ночор оилани киндик қони томган ердан кўчиртириб, қурилган масжидни айтаяпсан чоғи. Ёки бева-бечоралар, камбағал-юпунлар қолиб, ўзига тўқ рўзасизлар учун берган ифторликларингни, ифторлик ўтгач, Аллоҳнинг яратган неъматларини тоғора-тоғора қилиб жарликка улоқтирганлигингни эслаяпсанми? Унутма, сен яшаган дунё — фоний, аммо сарҳисоблидир!

Ашир ота мутлақо ҳолсизланиб қолгандек сезди ўзини.

— Ё алҳазар, — деди паст, бўғиқ овозда, — билиб-билмай қилган гуноҳларим наҳотки кечирилмаса? Ахир, Аллоҳни ар-Раҳмон ар-Раҳийм дейдилар-ку?

Сўроқ қилувчи Ашир отанинг изтироб чекаётганлигини тушунди. Мулойим оҳангда сўз бошлади:

— Эй бандаи ғофил, ҳақиқатдан ҳам Ҳақ Таоло меҳрибон, кечиримли. Ҳатто жаҳолатга юз тутиб, Каъбани вайрон қилган, Қуръонни ўтга ташлаган кишининг гуноҳидан ўтиши мумкин, агар ўша жоҳил чин дилдан узр сўраса. Карами кенг Аллоҳ ҳатто маъжусий (ўтга сиғинувчи) ни жаннатга киритиб, эъзоз кўрсатган. Негаки, ўша маъжусий ўз қулини муборак Рўза кунлари кундуз вақти кўчада овқат еб турганлиги учун жазолаганди. Гарчи маъжусий бўла туриб, мусулмон одатларини ҳурматлагани учун ҳам у жаннати бўлди.

Сенинг ҳам билиб-билмай қилган гуноҳларингни Аллоҳ кечиришга қодир, лекин бир гуноҳинг борки, айнан ўша учун дўзахга буюрилишинг тайин. Қара, тангри нақадар улуғ, бир савоб учун маъжусийни жаннатга, бир гуноҳ учун сени дўзаҳга киритмоқда.

Ашир ота хаёлга чўмди: "Қайси гуноҳи учун Худо дўзахга буюрмоқда?". Шу савол уни қийнар, аммо ҳаргиз жавоб топа олмасди. Вазиятни идрок этиб турган сўроқ қилувчи Ашир отага "ёрдам"лашди.

— Кўп хаёл суравермa. Қиёмат қадар ўйласанг ҳам топа олмайсан.

Гуноҳкор маййит ҳайратланди:

— У қандай гуноҳ эканки, ўзимга тегишлию, лекин тополмасам?

Сўроқ қилувчи кескин овозда деди:

— СЕН — ОИЛАБУЗАРСАН!

Ашир ота қотиб қолди. Кейин бирдан ҳайқириб юборди:

— Ёлғон! Туҳмат! Мен ҳеч маҳал, ҳеч кимнинг оиласини пароканда қилган эмасман! Аниқ биламан!

Сўроқ қилувчининг кўзларидан учқун сачради:

— Ёлғон? Туҳмат? Билиб қўй, бу сўзлар сен келган дунёга хос. Аммо дорулбақода ягона сўз — ҲАҚИҚАТ ҳукмрон!

Гуноҳкор бўғриқди:

— Исбот қил!

Сўроқ қилувчи босиқлик билан далилга ўтди:

— Сен — Муҳаммад алай-ҳиссалом умматиман, дея даъво қиласан. Жаноби Расулуллоҳ эса: "Эр киши учун энг ҳақлиги — онасидир, хотин учун энг ҳақлиги — эридир", деб айтганлар. Тўғрими?

Ашир ота боши билан "Ҳа" ишорасини билдирди.

— Жуда яхши, инкор этмайсан. Хўш, шуни била туриб, нега қизингнинг турмушига ноўрин аралашдинг? Охир-оқибат гоҳи чин, гоҳи ёлғон билан куёвингни ёмонотлиқ кўрсатиб, қонун идораларига қатнаб, улар турмушини буздинг! Сен қанчалик диндор бўлмагин, аммо билиб қўй, қизингнинг турмуши бузилиб, набираларинг тирик етим бўлган ўша кун — сенинг ҳам икки дунёингга ўт кетганди. Бунга нима дейсан?

— Ахир, ахир, куёвим ёмон эди, қизимни хўрлар экан, қизим нуқул нолиб келарди, — деди гуноҳкор титраб, — мен фарзандимга ачиндим. Ахир, мен — отасиман!

— Шундоқми? "Хотин учун ибодатларнинг энг афзали — эрига хизмат қилишдир!" деган ҳадисни қизинг-ку унутган экан. Сен буни эслатмадинг. Сен — ота, тўғри. Ўз фарзандингга ачинибсан. Хўш, куёвинг ота эмасмиди? Унинг фарзандларини тирик етим қилиш эвазига сен ўз фарзандингга бўлган меҳрингни исботлабсан-да, шундайми? Куёвинг ёмон бўлса, жазосини топарди.

Хуллас, сен дўзахисан!

Дилмурод Саййид.

ХАНДАЛАР

Шифокор ҳузурига кирган бемор деди:

— Доктор, нафас олишда қийналяпман, ўпканинг мазаси йўқроқ.

Шифокор беморни обдон текширгач, сўради:

— Аввал ҳам ўпкангиз оғриб, даволанганмисиз?

— Хотирингиздан кўтарилибди шекилли-а, ахир, бундан икки ой аввал ўзингиз мени даволаган эдингиз-ку.

— Э, ҳа, шундай денг, айтдим-а, ўпкангиз танишга ўхшаяпти деб.

***

— Бир ҳафтада бор-йўғи икки кун ишласанг, — деди дангаса.

— У ҳам шанба, якшанба кунларига тўғри келса, — деди иккинчи дангаса керишиб.

***

Тўйдан кейин келин куёвдан сўради:

— Айтинг-чи, мендан олдин нечтасини севгансиз?

Куёв ҳадеганда жавоб бермагач, келин яна саволини такрорлади.

— Нега шоширасиз, — деди куёв асабийлашиб, — тўхтанг, санаб олай.

Азиз БУЗРУКОВ тайёрлаган.

ЭЪЛОН

1989 йилда Тошкент Давлат университети томонидан **Б. АМИНОВ** номига берилган УВ-1 058531 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли;

***

1993 йилда Тошкент шаҳридаги 131-ўрта мактаб томонидан **Ғайратжон Тожибоевич КОДИРОВ** номига берилган АУ № 302991 рақамли етуқлик аттестати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Қидирилмоқда



1973 йилда Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, "Дўстлик" жамоа хўжалигида туғилган ва шу манзилда яшовчи **Ботир Бозорович Пармонов** қариндошлари томонидан қидирилмоқда. У 1994 йилнинг 4 июнь куни пиёз сотиш мақсадида Сариосиё-Тошкент поездига ўтириб, Тошкентга келган ва шу кўйи уйига қайтмаган.

Белгилари: бўйи 175-180 см. атрофида, қорачадан келган, озғин гавдали, сочи қора ва жингалак, қошлари қора ва қалин, мўйлови бор.

Кийими: эгнида кўк кўйлак (сариқ футболка бўлиши ҳам мумкин), йўл-йўл чизиқли кўк спорт кийими, оёғида шиппак бўлган.

Алоҳида белгиси: ўнг биқинида кўричакдан қолган чандиқ бор.

Б. Пармоновнинг қаердалигидан бохабар фуқаролардан бу ҳақда Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, "Дўстлик" жамоа хўжалигида яшовчи Чиннигул Пармоновага ёки 39-77-23 рақамли телефон орқали "Постда"—"На посту" газеталари таҳририятига хабар беришларини сўраймиз.

ЁШ ТЎСИҚ ЭМАС

ЭНДИГИНА нафас қисиш касалидан тузалган канадалик кампир Мерита Уэлч тўқсон ёшга тўлган кунини парашютдан сакраш билан нишонлашга аҳд қилди. Сакраш унга шунчалик ёқдики, невараларини даҳшатга солиб бу ишни у яна такрорламоқчи.

***

ШВЕЙЦАРИЯЛИК Фанни Липс 101 ёшида испан тилини ўрганишга киришди. Собиқ немис тили ўқитувчиси бўлмиш бу аёл 70 ёшида рус, хитой ва санскрит тилларини ўрганди.

Қаранг-а...

***

АММО ЭНГ қизиғи, тайванлик 78 ёшли Сю хоним тутган йўлдир. У эри ўлгач, ўзини ниҳоятда ёлғиз сезди ва... фоҳишалик қилмоқчи бўлди. Полиция тинтуви пайти исловотхонада бошқа фоҳишалар билан бирга у ҳам қўлга тушди.

У ДУНЁДА

ОДАМНИ ўлим ҳолатидан чиқариш ва уни даволаш врач билан мулоқотга киритишдан иборатдир. "Салом! Аҳволингиз қалай? Келинг, гаплашайлик. Сув ичасизми?". Врачнинг ўлим ҳолатидаги бемор билан мулоқоти ҳар куни шу сўзлардан бошланади. Агар бемор жавоб берса, демак, тузалаяпти. Ҳар куни врач бир неча марта гаплашишга ҳаракат қилади ва бунга бор кучини ишга солиб ярим килогача вазнини йўқотади.

Бемор бир йил ўлим ҳолатида ётганига қарамай, уч ҳафта мобайнида кўзини очиши мумкин. Бунда саккиз бемордан учтаси ҳаётга қайтади. Ўзига келганлар, одатда, хотирасидан ажралган бўлади ва жуда қийналади.

Улар нималар ҳақида ҳикоя қиладилар? Жерар Шураки, 52 ёш, собиқ суд ижрочиси, автомобиль ҳалокатига учраб, 11 жойи синган, 11 соат операция қилинган, бир сутка ўлим ва ҳаёт орасида ётган: "Маълум вақт ҳаракатсиз танам тепасида турдим. Уни кўриб турардим. Танамни бошқармоқчи бўлдим, аммо бўйсунмади. Мени гирдобга торта бошладилар. Худди Америка сирғанчиқликларидан учиб тушаётгандай ҳис этардим. Қандайдир қичқириқлар, ҳуштак, узуқ-юлуқ мусиқа эшитиларди. Кейин у ёқдан-бу ёққа чайқала бошладим. Бу даҳшат. Тўсатдан ҳаммаси тинди ва тоннель оғзининг қора тешигини кўрдим. Мен ўша ёққа қаттиқ тортилаётганимни сездим. Тоннель охирида шуъла кўзга ташланди, у яқинлашган сарим ёруғлаша борди. Йўл сўнгида нариги дунё манзаралари кутарди: атрофимни нурлар чулғаган ва ўзимни коинот билан уйғун ҳис қилардим. Тобора тезроқ ва тезроқ айланаётганимни сездим, лекин бунда сира ноқулайлик йўқ эди. Бирдан олдимдан ҳаётим манзаралари ўта бошлади — худди киноэкрандагидай. Ва мен орқага қайтишга қарор қилдим. Ҳушимга келгач, оғриқдан бақириб юбордим".

Америкалик тадқиқотчи 102 та шундай ҳолатни тасвирлайди. Улардан 60 фоизи тасвирлаб бўлмас осойишталик, 37 фоизи — танадан ажралгани, 23 фоизи — тоннелга киргани, 16 фоизи — лол қолдирган шуъла, 8 фоизи илгари ўлган қариндош ва яқинлари билан учрашгани ҳақида гапирганлар. Ҳаётга қайтган кўпчилик у дунёда яхшилигини айтиб врачлардан ранжиган. Бироқ сўралганларнинг бир қисми нохуш хотиралар туфайли ниҳоятда азобланганларини таъкидлаганлар.

"Нувель обсерватёр"дан.

Бошқотирма

Қуйида таърифи келтирилган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

Очқич:

1. Инсофсизда бўлмайди — 3, 4, 6, 10, 12, 2.
2. Кексаларнинг "ойлиги" — 2, 1, 8, 1, 11, 1.
3. Симторли, уриб чалинадиган мусиқа асбоби — 5, 1, 2, 7.
4. Чет давлатдан келтириладиган мол учун тўланадиган ҳақ — 14, 12, 6.
5. Миллий кийим — 9, 15, 2.
6. Манзарали ўсимлик — 7, 13, 16.



Энди шаклдаги рақамларни жавоблардаги тегишли ҳарфлар билан алмаштириб, бошқотирмани ечинг. Бунда Луқмони Ҳакимнинг азиз фарзандига қилган юз насиҳатидан бири аён бўлади.

Ф. ОРИПОВ тузган.

Газетамизнинг 49-50 сонида чоп этилган бошқотирманинг жавоблари:

1. Шоҳ. 2. Ҳад. 3. Дур. 4. Руҳ. 5. Ҳол. 6. Лак. 7. Кио. 8. Она. 9. "Ара". 10. Ари. 11. Или. 12. Ибо. 13. Опа. 14. Ақл. 15. Лаб. 16. Боғ. 17. Ғор. 18. Ром. 19. Мот. 20. Тоқ. 21. Қиш.

Мақол: Ҳақ ҳамиша ғолиб.

Муҳаррир Зокир ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Наврўз кўчаси, 1.

Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Кўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.
Буюртма Г — 1060
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Босилиш — офсет усулида.
Босишга топшириш вақти — 19.00.
Босишга топширилди — 19.00.

Обуна рақами — 64615.
39.934 нусхада босилди.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, мухбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6.